

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FB.01.10. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САДИҚОВ ЗОҲИД ЯҚУБЖАНОВИЧ

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» АСАРИНИНГ
НЕМИСЧА ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИ
ҚИЁСИЙ-ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

10.06.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма таллашунослик
ва таржуманшунослик

Филология факультети доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Садиков Зоҳид Якубжанович Юсуф Хас Хожиб «Кутадгу билиг» асарининг немисча ва инглизча таржималари қиёсий-қогширма таҳлили.....	3
Садиков Зоҳид Якубжанович Сравнительно-сопоставительный анализ немецкого и английского перевода «Кутадгу билиг» Юсуфа Хас Хаджиба.....	37
Sadikov Zohid Yakubjanovich Comparative analyze of German and English translations of «Kutadgu bilig» by Yusuf Khas Khajib.....	71
Эълон қилдингиз илмий ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	76

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FIL.01.10. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САДИҚОВ ЗОҲИД ЯҚУБЖАНОВИЧ

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ «ҚУТАДҒУ БИЛИҒ» АСАРИНИНГ
НЕМИСЧА ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИ
ҚИЁСИЙ-ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржуманшунослик

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси маълуми Ўзбекистон Республикаси Илмлар Академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясики В2019.LDSc/FI158 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида баҳарилган.

Диссертация автореферати ўзбек тилида (Ўзбек, рус, инглиз тиллари) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.ilk.uz) ва Ziyonet Аxbорот тилими порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий масlahatchи:	Хамидов Хамидов филология факультети доктори, профессор
Рисмий алоқачилар:	Шарипова Раъна Хакимовна филология факультети доктори, профессор Жураев Умарбой Хайдарович филология факультети доктори, профессор Шрайбер Михаил Германия Майнц университети профессори, филология факультети доктори
Етабчи ташкилати:	Тошкент давлат шароҳунослик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даржадор берувчи DBS 03/30_12.2019 FI.01.10 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «25» сентябрь соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62; факс: (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-14; e-mail: ilka@ilk.uz)

Диссертация билим Ўзбекистон Миллий университети Аxbорот-ресурс марказида тинишни мумкин. (28 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62)

Диссертация автореферати 2020 йил «28» сентябрь та тарқатилди.
(2020 йил «28» октябрь даги 8 рақамли расмий баёаннома)



A.G.
А.Г.Шереметьева
Илмий даржадор берувчи илмий кенгаш
раиси, филол. ф.д., профессор

G.S.
Г.С.Курбонова
Илмий даржадор берувчи илмий кенгаш
таълим ва тарбия, филология бўлими
философия доктори (ФД)

E.A.
Е.А.Сиддикова
Илмий даржадор берувчи илмий кенгаш
қўшмадаги илмий оловлар раиси, филол.
ф.д., профессор

Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни ташвиҳ этиш марказини ташкил этиш тўғрисидаги Қарорларида миллий адабий меросимизнинг юртимизда ва хорижий малакаларда хали ўрганилмаган кўлини қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш масалалари асосий вазифа этиб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларга таржима қилиш ва нашр этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори ва ушбу соҳага тааллуқли бошқа метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертациянинг иш муайян даражада хизмат юзади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг «Ахборотлаштириш жамият ва демократик давлатини ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновациялар тўғрисидаги ҳужжатларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари устувор йўналишига мувофиқ баъжаришган.

Диссертация маълуми бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁷. Жаҳон туркишунослигида қадимги туркий обидалар, жумладан, «Қутадғу билиг» асарини ўрганиш бўйича қатор марказлар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Center of Middle eastern studies of the oriental institute of the university Chicago (АҚШ), William and Mary Law School of state Virginia (АҚШ), Harvard university (АҚШ), Seminar für Turkologie und Zentralasienkunde der Universität Goettingen (Германия), Seljuk Universitesi (Туркия), Istanbul kültür universitesi (Туркия), Eötvös Loránd university (Венгрия), Xinjiang university (Хатой), Институт восточных рукописей РАН (Россия), Жусуп Баласағун атындаги Кыргыз улуттук университети (Қирғизистон), Философия, саясаттану және динтану институты (Қозғоғистон).

Жаҳонда Юсуф Хос Хажобининг «Қутадғу билиг» асарини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: Қутадғу билиг»ни Ўрта асрлар Марказий Осиё ҳудуддаги муҳим адабий-философий манба ва «Шоҳлар ойнаси жанри» намунаси сифатида ўрганилиб, асарнинг инглизча таржима матнинини яратилган (University Chicago, institute of Center of Middle eastern studies); «Қутадғу билиг»даги ҳайвон номлари тарихий-лингвистик хусусиятлари асосланган (Harvard university, Seminar für Turkologie und Zentralasienkunde der Universität Göttingen, Жусуп Баласағун атындаги Кыргыз улуттук университети); асарнинг жаҳон туркий халқларининг илк адабий манбаси эканлиги далилланиб, унинг илмий-ташкхий матни яратилган, шунингдек, асарнинг турли қўлёзмалари лингво-поэтик қирралари илмий тадқиқ этилган (Ege Üniversitesi, Институт восточных рукописей РАН, Тошкент

⁷ Диссертация маълуми бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг тахдиди қуйидаги сайтлар асосида асосан олинган: www.centralasia.chicago.edu/people/faculty, www.law.wm.edu/~wisdom-of-royal-glory-kt/, www.uni-goettingen.de/semnar_zentral, www.iku.edu.tr/, www.ebu.haber/, www.ivrin.ru/, www.cerentstudies.ru/, www.daf.da.uz/biznes-manbalar-aloqada-tadqiqotlar

давлат шарҳишунослик университети); «Кутадгу билиг»даги турк, ўзбек ва форс давлат қурилишига оид аъёналар хусусиятлари далилланган (Indiana University Turkish Studies, Bilkent University, Ўзбекистон давлат ва жамият қурилиши академияси; асарни хоржий ва туркий халқларнинг тилларига таржима қилишнинг айрим хусусиятлари асослаб берилган (Кыргыз мамлекеттик удуттук университети, Наманган давлат университети).

Бугунги кунда дунёда «Кутадгу билиг»нинг ўрғанилмаси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: асарнинг илмий транскрипциясини нашрга тайёрлаш; асарнинг янги таржима талқинларини яритиш ва мавжуд таржималар сифатига танқидий баҳо бериш; «Кутадгу билиг»нинг қадимги туркий адабиётда тугган ўрни ва жаҳон сибсай-фалсафий тафаккур тарзи ҳамда адабиёти ривожига қўнган ҳиссасини ёритиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асарини жаҳон туркушунослиги ва таржиманушунослигида тадқиқ қилиш борасида махсус хронологик библиография нашр этиб келинмоқда. Унинг 2016 йилдаги нашри маълумотларига кўра асар 19трасидаги ишларнинг сонга 687тага етган бўлса¹, бизнинг кейинги кузатишларимиз натижасида бу маълумот 847гани таъкил қилмоқда². Асарни ўрганишда дастлаб унинг таржимонлари бўлмиш немистилли тадқиқотчилар Х.Вамбери ва В.Радлов амалга оширган ишлар, сўнгра А.Отто³, М.Хартманн⁴, Т.Менцель⁵, Р.Маттлер⁶ тадқиқотлари, АҚШ олимларидан Р.Денкофф⁷ ҳамда шу нашр асосда амалга оширилган туркилик олимлардан Т.Текин⁸, О.Элчкогли⁹ларнинг ишлари, хусусан, Р.Арат¹⁰, рус ва карлос халқлар туркушуносларидан С.Милов¹¹, А.Валитова¹², И.Стеблева¹³, С.Иванов¹⁴, Э.Нажиб¹⁵лар амалга оширган тадқиқотлар асарни

¹ Erdem UÇAR, *Kutadgu Bilig'in kronolojik kapsamı (1825-2016)* [tahrir/tektirleim versiyon]. *Uluslararası Uygarlık Araştırmaları Dergisi*, 2015/16.

² Саидов Э. «Кутадгу билиг» хронологик библиографияси. – Наманган, 2019. – 94 б.

³ Otto Albert, *Der Dichter des Kutadgu Bilig ein Schüler von Avicenna* // *Archiv für Philosophie*. – Leipzig, 1901. – 58-69 S.

⁴ Hartmann M., *Zur metrischen Form des «Kutadgu Bilig» / Kalen Saemle*. – Berlin: B-Z, 1902. – 141-155 S.

⁵ Menzel Th., *Die älteren türkischen Mytiker* // *ZDMG*, 1925. – 269-289 S.

⁶ Müller R., *Art Yusuf Han Dialect, Moralist R.M., Ottoman Turkish Writings*, NY, 1988. – 182-183 p.

⁷ Dankoff R., *Inner Asian Wisdom Traditions in the Pre-Mongol Period*. University of Chicago, 1981. – № 1010. – P.81-84.; Dankoff R., *Textual problems in Kutadgu Bilig*. University of Chicago, 1979. – 89-99 p.

⁸ Tekin C., *Review of Robert Dankoff, Wisdom of Royal Glory: A Turko-Islamic Mirror for Princes*, By Yusuf Klaus Hahb, Translated with an introduction and notes by Robert Dankoff. Chicago and London: The University of Chicago Press, 1983. – P.281. In *Journal of New Eastern Studies*, The University of Chicago, Vol.48, No.1, January 1988. – 68-70 p.

⁹ Elçoglu O., Özden H., *Corinth thoughts of Socrates and Yusuf Klaus Hahb on Wisdom Virtue* // *Journal of International Society for the History of Islamic medicine*. – №5, April 2004 – 20 p.

¹⁰ *Kutadgu Bilig I. Medis*. İstanbul: 1947. Note also Arat's translation into modern Turkish: *Kutadgu Bilig İle Tercime*. Ankara: 1959. Second Edition: Civri. – Ankara, 1979. – 278 S.

¹¹ Milov S.E. *Памятник драматургической гомологии. Тезисы и исследования*. – М. – Л., 1951. – 221-302 с.

¹² Валитова А.А. К истории критического текста и перевода «Кутадгу билиг» // *ИСИНА*. XVII. – М., 1961. – 77-78 с. Валитова А.А. К истории филологических вопросов в плане «Кутадгу билиг» // *Современные востоковедения*. – М., 1958. – №2. – С.52-64; Валитова А. Юсуф Баласагунийский и его «Кутадгу билиг» // *Критические сообщения институтов востоковедения*. IV. – М., 1952. – 56-64 с.

¹³ Стеблева И.В. К вопросу о продолжении жанра турок // *Тюркологический сборник*. – М., Наука, 1970. – С. 135-147; Стеблева И.С. Развитие тюркских поэтических форм XI века // *Современная тюркология*. – М., 1971. – № 1. – 57-61 с.

¹⁴ Иванюк С.С., Юсуф. *Современные издания*. – М.: Наука, 1983. – 518-539 с.

жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилганлигини кўрсатади. Бугунги кунда турк олимси Саид Башер асарни фалсафий-эстетик томондан¹⁸, Бартин университети олимаси Айшегул Турал асарни социологик асосда тадқиқ этмоқда¹⁹. Олма ота фалсафа ва сибистунослик институтида олиб борилган илмий изланишларда «Қутадгу билиг»да туркий халқлар фалсафаси ва эстетик олами масаласига муносабат билдирилиб, ушбу асарнинг ҳозирги туркий халқлар дунёқарашининг шаклланишидаги муҳим ўрни тадқиқ этилган²⁰. Қирғиз давлат университетидаги тадқиқотлар ва Назгул Турдибаеванинг «Юсуф Баласоғулийнинг «Қутадгу билиг» асари ва унинг туркий тиллардаги таржималари» номли номзадлик диссертациясида²¹ асарнинг туркий тиллардаги таржималари ўзaro қиёсий таҳлил қилинади. Яна бир қирғиз олимаси А.Касиева асардаги хайвон номлари билан боғлиқ метафоралар таржимаси борада²² изланишлар олиб бормоқда. Москвадаги Россия Фанлар Академиясининг Осие халқлар институтида Россиядаги туркий халқлар тиллари ва адабиётларининг шаклланишида ушбу асарнинг ўрни маънаси тадқиқот марказида турибди.

Мамлакатимизда «Қутадгу билиг» асарини ўрганиш алоҳида соҳага айлиниб бормоқда. Бу борада энг салмоқли тадқиқот яратганлар ибтидоида Қ.Каримов²³ ва Б.Тухшев²⁴лар турилади. Юртимизда мазкур асарни турли нуқтаи назардан тадқиқ қилинаётганлиги кичини қувонтиради. Жумладан, О. Жўраев²⁵, Э.Фозилов²⁶, А.Адиев²⁷, Э.Умаров²⁸, Қ. Содиқов²⁹ каби олимлар асарни тилшунослик ва манбаъшунослик асосида ўрганган бўлсалар,

¹⁸ Нидоаб Э.Н. Исследования по истории персидского языка XI-XIV вв. - М.: Наука, Главная редакция восточной литературы. - 1989. - 282 с.

¹⁹ Sayi Başer. Kutadgu biligle kut ve toz. Kultur İnançları. Ankara, 1990. - 130 s.

²⁰ Tural Aysegül. The Analysis of Kutadgu Bilig in Terms of Values Education. European Journal of Educational Research Volume 7, Issue 2, 203 - 205-p.

²¹ Турдибаева ЖиддиТоғонова. Мир ценностей Юсуфа Баласагуни в «Қутадгу билиг». Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. - Алматы, 2001. - 23 с.

²² Турдибаева Н. Қутадгу билиг Жусуфа Баласағуни ва его переводы на туркские языки. Автореферат кандидатской диссертации. - Бишкек, 2001. - 22 с.

²³ Касиева А. Метафора, связанная с образами животных в поэме Ю.Касиевни «Қутадгу билиг» в адекватность их в переводе на английский язык // Social Science Digital: Международной конференции. - Бишкек, 2005. - 28 с.

²⁴ Каримов К. «Қутадгу билиг»да урайилган анал номлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1957. - № 2. - С. 42-47; Юсуф Хас Хомий. Қутадгу билиг. Хозирги ўзбек тили ташриф. К. Каримовнинг. - Тошкент: Фан, 1971. - 964 б.

²⁵ Тухшев Б. Поэма «Қутадгу билиг» Юсуфа Хас Хомийи. Авторефер. дисс. канд. филол. наук. - Т., 1983. - 23 б.; Ўлмағ обидлар. - Тошкент: Фан, 1983. - 307-441-б.; Тухшев Б. Билиг - энтузи дуня. - Тошкент: Фан, 1990. - 60 б.; Тухшев Б. «Юсуф Хас Хомийнинг «Қутадгу билиг» асари ва туркий фалсафаси. Филол. фанлари доктори дисс. - Т., 1991. - 322 б.; Тухшев Б. Юсуф Хас Хомийнинг «Қутадгу билиг» асари ва айрим намуналар таҳлили. - Тошкент: Асп-Маърифат, 2004. - 126 б.

²⁶ Жўраев О. Юсуф Хас Хомийнинг айрим айтилиши материал // Ўзбек адабиёти тарихининг материал ва тадқиқотлар / Илмий асарлар сўламини. - Тошкент: 1982. - №1 (21). - 38-62-б.

²⁷ Фозилов Э. Лекция «Қутадгу билиг» в древнетюркском слове. // Советская терминология. - Тошкент: 1978. - №4, 47-49-с.

²⁸ Адиев А. «Қутадгу билиг» ва «Девону маърифат»нинг Ўзбекистон тилидаги манбаълари // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент: 1978. - №6. - 35-37-б.

²⁹ Умаров Э. «Қутадгу билиг»даги бир айора тарки // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент: 1970. - №6. - 64-66-б.

³⁰ Содиқов Қ. Асарнинг айрим лексон ҳурусини. Туркий сўзлар / Ўлмағ обидлар. - Тошкент: Фан, 1983. - Б. 286-306.; Содиқов Қ. Уйғур сўзи тарки (Манбаъшунослик ва алоҳида масалалари). - Тошкент: Миллийлик, 1997. - 96 б.

адабиётшунос Х.Абдуллаев²⁰ «Кутадгу билиг»даги халқ мақоллари талқинини, Б.Абдурахмонова²¹ эса асарни таллим босқичларида ўрганишни илмий таҳдиддан ўтказдилар.

Ўзбек таржиманшунослигида ёklangan бир қатор докторлик ҳамда номзодлик диссертацияларида маъкур тадқиқот мавзунга у ёки бу даражада яқин ишлар маъжуд. Жумладан, Н.Отажоновнинг «Бобурнома» – жаҳон адабий жараёнида»²², Х.Кароматовнинг «Ўзбек адабиётини Қуръон мавзулари»²³, Г.Халлиевнинг «XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқо»²⁴, Р.Шариновнинг «Олам миллий манзарасининг бадиий таржиманида қайта яратилиши»²⁵, М.Халбековнинг «Ўзбек-француз адабий алоқалари ва таржима муаммоларига бағишланган докторлик диссертациялари, шунингдек, М.Умархўжаев²⁶ тадқиқотларида маъкур соҳага оид муайян фикрлар айтилганлигини таъкидлаш мумкин. Айтиш керакки, уларда айнан қадимги туркий асарларни тадқиқ қилиш асосий масъад қилинмаган. Шунинг билан бирга Й.Нурмурадov²⁷ ва Г.Хўжаев²⁸ ларнинг номзодлик диссертацияларида «Кутадгу билиг»нинг немисча таржималарини исми муносабат билдирилган. Маъкур ишлар асосан ўзбек фольклори ва умуман ўзбек адабиётини номуналарининг немисча таржималарини ўрганишга қаратилганлиги боис, уларда «Кутадгу билиг»нинг немисча таржималари маъсус ўрганилмаган. Таржиманшунос олим М.Бақоевнинг «Инглиз ва америка адабиётини ўзбек тилига шеървий таржима таркибиде» номли рисолиси²⁹ биз олиб бораётган тадқиқот мавзунга бир қилар жоюлдилади. Шунинг билан биргилекда, ўзбек-немис, немис-ўзбек адабий алоқалари ва таржима муаммоларига бағишланган бир қатор ишлар³⁰ мавзунимга муайян даражада алоқаларини билни ажралиб турадилар. Профессор Х.Болтабоев³¹, ёш олим С.Иботов³² лар ҳам илк туркий обидига оид бир қатор

²⁰ Абдуллаев Х. Халқ мақолларининг «Кутадгу билиг»нинг илмий-адабий ўрни ва бадиий эстетик функциялари. Филол. фанлари ном. дис. автореф. – Т., 2004. – 20 б.

²¹ Абдурахмонова Б. Таллим босқичларида «Кутадгу билиг»ни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогика фанлари ном. дис. автореф. – Т., 2007. – 22 б.

²² Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида. Филол. фан. д-ри. дис. автореф. – Т., 1993. – 30 б.

²³ Кароматов Х. Ўзбек адабиётини «Қуръон» мавзулари. Филол. фан. д-ри. дис. автореф. – Т., 1992. – 46 б.

²⁴ Халлиев Г. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқо. Филол. фан. фанлари бўлими (135) докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2016. – 58 б.

²⁵ Шаринов Р. Олам миллий манзарасининг бадиий таржималар қайта яратилиши. Филология фанлари бўлими докторлик (135с) диссертацияси автореферати. – Т., 2017. – 58 б.

²⁶ Умархўжаев М. Таржима олами ва философия. Республикалий илмий-адабий конференция. – Тошкент, 2015.

²⁷ Нурмурадov Й. Ўзбек фольклорини ўрганиш тарихи ва уни яннан тилига илмий-адабий таржима қилиш муаммолари. Филол. фанлари ном. дис. автореф. – Т., 1983. – 22 б.

²⁸ Хўжаев Г. Восстание художественно-стилистического сознания произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Т., 1985. – 20 с.

²⁹ Бақоев М. Инглиз ва америка адабиётини ўзбек тилига шеървий таржима таркибиде. – Тошкент: Фан, 1994. – 90 б.

³⁰ Авакил С. Некоторые вопросы перевода немецкой поэзии на узбекский язык (на материале перевода произведения Георга Гёте). Автореф. дис. канд. филол. наук. – Тошкент, 1980. – 20 с.; Карамов Ш. Особенности узбекской литературы и её переводности в немецком литературоведении и публицистике. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Т., 1982. – 20 с.; Нуриднов У. Таржима Шаллода ва узбекском языке. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Т., 1985. – 20 с.; Абдуллаева А. А. Илмий бадиийлик шариъти таржималарда қайта яратилган ва табиийлик. Филол. фан. ном. дис. автореф. – Т., 1998. – 20 б.

³¹ Болтабоев Х. «Кутадгу билиг» – бахтиярлик билими // Таълим ва адабиёт ойлари. – 2009. – № 11. – 46-51 б.

³² Иботов С. «Кутадгу билиг»нинг бир таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – №3. – 71–73 б.

тадқиқотлар яратдилар. Қ.Сидиков эса «Кутадгу билиг»даги тўртликларнинг инглизча таржима хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлади ва махсус монография чоп эттирди⁴³. Ушбу тадқиқотларда асосан асарнинг ҳозирги ўзбек тилидаги мукаммал танқидий матнини яратиш, «Кутадгу билиг»даги тўртликлар ва мақолларни инглиз ва рус тилларига таржима қилиш тўғрисида фикр юргатилиб, унинг немисча таржимаси, ҳозирги туркча нашри транскрипцияси асосида Р.Денкофф амалга оширилган инглизча нашрининг немисча таржимадан фарқи, таржимادا узвийлик ва узгуксизлик муаммоларига эътибор қаратилмаган. Маъжур иш муаллифининг «Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадгу билиг» асари немисча илмий-адабий талқинлари» мавзусидаги номзодлик диссертацияси⁴⁴ да илк туркий бадий дostonни немис тилида қайта яратган Х.Вамбери ва В.Радловлар таржималарининг аслият билан қиёсий натижасида бадий асарнинг илмий-адабий талқинлари ҳамда немис мутаржималарининг туркий аслиятни қайта яратилган маҳоратлари масаласи ўрганилган эди. Аммо Х.Вамбери мурожаат қилган аслият асарининг Ҳирет-Вена деб номланувчи нусхаси бўлиб, у «Кутадгу билиг»нинг мукаммал матнини қамраб олмаган. Шунинг учун асарнинг тўлиқ немисча нашри тўғрисида махсус тadbирот олиб боришмай қолмади. Биз айнан аша шу маъба ҳамда ундан кейин амалга оширилган нуфузли таржима нашрларидан бўлибди Р.Денкоффнинг инглизча таржимаси асосида ўз тадқиқотларимизни давом эттирдик.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган oliй таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Гарбу Шарк илмий-адабий алоқаларини таржима асарлари асосида ўрганишнинг долзарб масалалар» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қадимги туркий обиди бўлмиш «Кутадгу билиг» асарининг немис ва инглиз тилларига таржималарини қиёсий ҳамда чоғиштирма таҳлил қилиш орқали уларнинг аслиятта муқобиллик даражасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қадимги туркий асарларни ҳозирги немис ва инглиз тилларига ўғирин соҳасидаги муаммоларга Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадгу билиг» асарининг В.Радлов ва Р.Денкофф амалга оширган таржималарини аслият билан қиёсий чоғиштириш асосида аниқлик киритиш;

ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, қадимги туркий обидаларининг таржима ва тadbироти билан шуғулланувчи Германия ва АҚШ таржима ва илмий тадқиқот мактаблари анъаналарини ўрганиш;

⁴³ Сидиков Қ. «Кутадгу билиг»нинг инглиз тилида ё Филология масалалари – Тошкент: 2007. – №4 – 43-46-б. Сидиков Қ. «Кутадгу билиг» тўртликларининг инглизча бадий таржима хусусиятлари. – Тошкент: Ёш, 2014. – 128 б.

⁴⁴ Сидиков Қ. Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадгу билиг» асарининг немисча илмий-адабий талқинлари. Филол. фанлари ном. дисс. автореф. – Т., 1994. – 20 б.

«Кутадгу билиг»ни аслият билан чоғиштирма-кўёсий ўрганиш орқали ундаги ижтимоий-филсафий, адабий-тарихий ва лисоний хусусиятларнинг немисча ва инглизча таржималарда аке этган муаммоларни илмий талқоқ этиш;

кадимги туркий асарни немис ва инглиз тилларига ўгиришда аслиятдаги тарихий ва миллий ўзига хосликни қайта яратиш масалаларини унда акс эттирилган диний-филсафий ва маданий-маънавий реалиялар таржималарининг «Кутадгу билиг» аслиятга муқобиллик даражаларини аниқлаш;

«Кутадгу билиг»да «фўлакиёлган бадний санъатлар, тасвир воситаларининг ҳозирги ўзбек, немис ва инглиз тилларидаги талқинлари ва таржима тамойиллари хусусиятларини очиқ бериш;

«Кутадгу билиг» асарининг немисча, инглизча, ўзбекча транскрипцияси ўртасидаги фарқлар, узвийлик ва узлуксизлик, таржимадан таржима каби масалаларни ўрганиш асосида кадимги туркий асарлар таржимасига оид янги усулларни илмий муомалага олиб кириш;

мавжуд таржималарнинг ютуқ ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда улардаги тажрибалардан асарнинг келгусидаги янада мукаммал таржима наشرларини амалга ошириш учун илмий ҳамда амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадгу билиг» асарининг кадимги турк тилидаги аслиятидан Қ.Каримов томонидан амалга оширилган транскрипцияси, В. Радловнинг немисча, Р.Денкофнинг инглизча таржима наشرлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Диссертация тадқиқотининг предмети кадимги туркий асарларни ҳозирги тилларга мослаштириш масалалари, хусусан, таржимануосликда кадимги даврда туркий тилларда яратилган асарларни ҳозирги немис ва инглиз тилларига ўгиришда аслиятдаги тарихий-миллий ва бадний-эстетик хосликларни қайта яратиш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, тарихий-кўёсий, чоғиштирма-кўёсий, илмий контекстологик ва бадний таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти.

кадимги туркий асарларнинг немисча таржимаси аслиятга соф филологик томондан, инглизчаси эса илмий-адабий жиҳатдан адекват бўла оlishи исботланган;

таржимада изох, шарҳ, лугат қабилардан фойдаланиш уларнинг аслиятга муқобиллик даражаларини аниқлаш воситаси сифатида хизмат қилиши мумкинлиги далилланган;

кадимги туркий асарларнинг немисча ва инглизча таржималари лисоний-услубий хусусиятлари аниқланиб, бадний асарларни илмий мақсадларда ўгиришда таржимадан таржимага такомиллашиб бориш мумкинлиги исботланган;

кадимги туркий асарларда тасвирланган тарихий ва миллий ўзига хосликларининг таржимада акс эттириш муаммолари аниқланиб, уларни ҳал этиш учун транскрипциялаш, транслитерациялаш ҳамда илмий таъсифлаш усуллари ишлаб чиқилган;

қадимги туркий асарлардаги поэтик тасвир воситаларини немис ва инглиз тилларига баъдий таржима қилишда муқобил сўз танлаш каби усуллари тавсия қилинган;

ғарб олимларининг қадимги туркий адабиётда тасвир устиворлигига уруғ берувчи ноқимий ёндашишлари асоссизлиги далилланган;

тадқиқот доирасидаги қадимги туркий асарлар таржималаридаги мислий-маданий хусусиятга эга сўз ва ибораларнинг немисча-инглизча изоҳлари таржима ва таржимашунослик дугатларини бойитиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. «Қутадғу билиг» немисча ва инглизча таржималарининг аслигига нисбатан муқобиллигининг монографик тарздаги таснифи, аслият ва таржималарнинг қиссий таҳлили ва талқинига оид тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар таржимонлар учун қадимги обидаларни немис ва инглиз тилларига ўғиривишда муҳим амалий қўлланма бўлиши исботлаб берилган. Шунингдек, диссертация материаллари қадимги туркий асарлар таржимаси бўйича тадқиқотлар яратиш, дугатлар тартиб бериш учун ҳам зарурий манба бўлиши асосланган.

Манзу доирасида «Қутадғу билиг» ва унинг таржималари бўйича жаҳон туркумуночилигидаги тадқиқотларнинг хронологик библиографик ҳўрсаткичи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотда муаммоларнинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларни таснифлаш, таснифлаш, адабий-тарихий ва қиссий таҳлил каби усуллар воситасида асосланганлиги, ОАК тасарруфидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тақлиф ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг наволийлиги давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Қадимги туркий обидаларни хорижий, хусусан, «Қутадғу билиг» асарини немис ва инглиз тилларида қайта яратишнинг ўзига хос томонларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Манкур тадқиқот натижалари баъдий асарларни илмий ва илмий-адабий таржима қилишнинг назарий асосларини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, қадимги туркий - немис, қадимги туркий - инглиз тиллари аро таржималардаги метод, усул, тамойил, эквивалентлик каби муаммоларнинг илмий-назарий томонларини ёригишда ўзига хос рол ўйнайди. Асарнинг адабий-насоний, тарихий ва фалсафий хусусиятларининг немис ва инглизча таржималаридаги талқинларини тадқиқ қилиш адабий алоқалар, қиссий адабиётшунослик ҳамда таржимашунослик фанлари ривожда алоҳида рол ўйнайди. Шунингдек, қадимги даврда яратилган асарларни ҳозирги тилларга ўғиритишнинг назарий муаммоларини ҳал қилишда салмоқли хисса бўлади. Айни пайтда бебаҳо сўз санъати дурдонаси ҳисобланмиш «Қутадғу билиг» каби шарқона донишмандликни ўзига муҳасамлаштирган асарнинг жаҳон адабиёти ва тафаккур таракқиётидаги ўрнини тайин этишда назарий масъалаларини ойдинлаштиришда муҳимдир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти «Кутадгу билиг»ни немис ва инглиз тилларига ўтириш В.Радлов ва Р.Денкоффларнинг таржимонлик маҳоратлари ва таржимада қўлланган тамойилларни ўрганиш натижасида умумлаштирилган хулоса ҳамда тавсиялар асарнинг келажакдаги янги таржима нашрларини яратишда муҳим қўллашма бўлиши мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари ва хулосаларининг мамлакатимиз олий таълим муассасаларида адабий алоқалар, кибсий адабиётшунослик, стилистика, матн таҳлили, таржиманшунослик фанлари бўйича маъруза матилари тайёрлаш, дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда ўқув дугатлари яратишда фойдали материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қадимги туркий асарларнинг немисча таржимасида адекватликка эришни бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида «Кутадгу билиг» таржималарининг аслиятта муҳобалик даражалари ҳамда асардаги фразеологизмларни немис ва инглиз тилларига таржима қилишга оид хулосалардан ОТ-А1-46 рақамли «Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларининг янги ақлодини яратиш» мазусидаги илмий-амалий лойиҳаси асосида тайёрланган «Кибсий адабиётшунослик» дарслигининг «Таржима-контакт алоқа шакли» бобида ёзишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-4007-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот материаллари замонавий таржиманшуносликнинг долзарб муаммолари ва таҳлил методларини батафсилроқ ўрганишга замин яратган.

қадимги туркий асарининг немисча таржимаси ўзининг илмий аниқлиги, инглизча таржимаси эса ижтимоий-интеллектуал ва муайян бадийлик жиҳатидан аслиятта эквивалент бўла олиншига оид натижалар Йоханнес Гутенберг номидаги Германия Майнц университетининг Гермерсхайм шаҳридаги Таржима, тил ва маданиятшунослик факультетининг илмий ва дидактик фаолиятида фойдаланилган (Германия Майнц университети Таржима, тил ва маданият факультети декани, проф. М.Шрайбернинг 2019 йил 24 августдаги 726-сон маълумотномаси). Натижада мазкур университет илмий-услубий ишлари объектига ўзбек-немис таржимачилиги борасида янги материаллар юритилган. Бу эса мазкур факультетнинг ўзбек таржиманшунослиги билан алоқаларини мустахкамлаб, унинг илмий тадқиқот ишлари доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилган.

«Кутадгу билиг»ни немис ва инглиз тилларига ўтиришда таржима усуларини қўллаш ва уларни асардаги бадий тасвир воситалари, хусусан, метафора, ўхшатиш ва сифатлашларни таржима қилишда таржимонлар маҳоратларига оид натижалар Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг жойларда таълим билан шугулланувчи муваққат вақоли доктор Г.Вегмарсхаус раҳбарлигида ўтказилган «Когнитив тилшунослик» халқаро семинарини ташкил этишга асос бўлган (Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вақоли Симон Крешмернинг 2019 йил 26 августдаги 15-сон маълумотномаси). Натижада ушбу халқаро анжуман иши қадимги туркий бадий тасвир воситаларини немис тилига таржима қилиш борасидаги назарий хулосалар,

хусусан, ўзбек тилидан немис тилига бадий тасвир воситаларини ўттиришнинг лисоний-услубий муаммолари билан боғлиқ янги материаллар билан бойитилган;

тадқиқотдаги Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадгу билаг» асари поэтикасини немис тилида қайта яритиш ва асардаги бадий тасвир воситаларини немис тилига таржима қилиш усулларига оид натижалари «Ўзбек-олмон илмий жамиятининг 2015-2018 йилларда Германиянинг Фрайбург шаҳрида «Ўзбек адабиёти намуналари немис тилида» мавзусидаги лойиҳа асосида ўтказилган илмий-амалий семинарларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбек-олмон илмий жамиятининг 2019 йил 21 октябрдаги 12-31-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши анжуман кун тартибидан жой олган таржимашуносликнинг устувор тенденциялари, йўналишлари ва ривожланиш тамойилларига оид масалаларни ҳақ этишда зарурий материал бўлганлигидан далолат беради. Натижада қадимги туркий обидаларнинг исмиёча таржималари ўзбек-немис адабий алоқаларини мустақамлангани ва янада тараққий этиб боришига хизмат қилган;

Юсуф Хос Ҳожиб умуминсоний ва фалсафий-дидактик қарақларига ГАРБ олимлари муносабатлари ва жаҳон таржимашунос олимларининг Марказий Осиё қадимги даврида яратилган асарларни ҳозирги замон тилларига ўттириш масаласига оид назарий тавсиялар Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг 2017-2018 - йилларда вилоят ёш ижодкорлари, олимлари ҳамда халқаро дўстликни тартиб этишчи курсатув дастурлари сценарийсини тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилган (Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 31 январдаги 08-01-68-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот хулосалари курсатувлар сценарийларининг янда самарали ёзилиши ҳамда унинг умуминсоний, маънавий-маърифий мазмун билан бойитилиши, хусусан, ўзбек адабиётининг жаҳон адабий жараёнида ўзига хос ўрни тутишига оид илмий далилларга бой, оммабон ва янада ишончли бўлишини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 25 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Натижаларининг таълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмунини муаллиф томонидан 47 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 та монография, 1 та кўн тили илоҳли лугат ва 1 та хронологик лугат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини ҳоқ этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан, 14 та республика ҳамда 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: иш 165 саҳифадан ташқил топган бўлиб, кўриш, тўрт боб ва хулосалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, илмий излашнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети ёритилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ифода қилинган, илмий аҳамияти ва амалий аҳамияти баён этилган, диссертациянинг тадқиқотда фойдаланилган усуллари, ишнинг синовида ўтиши, натижаларининг янги қилинганлиги ҳамда тадқиқотнинг тузилishi ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Қадимги туркий асарни ҳорижий тилларга ўтқиришининг назарий муаммолари» деб номланувчи бобнинг дастлабки фаслида «Қутадғу билиг» таржималари тарихи ёритилган. Бунингча, унинг тарихини қуйидаги даврларга ажратиб мақсадга мувофиқ:

1. «Қутадғу билиг» яратилган XI асрдан бошлаб XIX аср бошларигача бўлган дастлабки давр.

2. XIX асарнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида амалга оширилган таржималар.

3. XX аср иккинчи ярмидан ҳозирги пайтгача амалга оширилган таржималар даври.

Биринчи давр хусусида айтиш мумкинки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, «Қутадғу билиг»нинг жаҳон илмий-адабий жарағига кириб бориши ва унинг ўзгаришларининг очилиши билан боғлиқ. **Иккинчи давр**га асарнинг 1870 йилда Х.Вамберги амалга оширган немисча илк таржимаси ҳамда 1910 йилда В.Радлов каламига мансуб иккинчи немисча тўлиқ нашри яратилган пайтларни киритиш мумкин. Бу даврдаги таржималардан асосан жаҳон туркология фанининг шаклланиши учун туркий қўлёзмалардан фойдаланиш мақсад қилинган бўлиб, улар бодий асарнинг насрий биёни, шикроти, илмий мақсадларни қўлаб қилинган таржималар ҳисобланади. **Учинчи давр**га XX аср иккинчи ярмидан ҳозирги пайтгача амалга оширилган таржималарни киритиш мақсадга мувофиқ. Бу даврда асарни чинакам бодий қайта яратилишига ўтиш даври сифатида эътироф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Маъмур даврда турк олими Р. Аратнинг 1959 йилда амалга оширган илк туркча тўлиқ таржимаси, 1971 йилда ўзбек олими Қ.Каримовнинг таъдйли, 1989 йилда амалга оширилган Б.Тўхлиевнинг назм аралаш насрий таржимаси, 1971 йилда рус шоири Н.Гребнев қайта яратган шеърий таржима намуналари ҳамда 1983 йилда С.Иванов амалга оширган илк русча тўлиқ таржималарни киритиш мумкин. Бундан ташқари ушбу даврдаги асарнинг янги йилгача таржималарис Р.Денкоффнинг Америка инглиз тилидадаги насрий-назмий ҳамда британиялик олиб У.Мейнинг инглизча шеърий таржималарини кўрсатиш лозим. Шунингдек, асарнинг қардош қирғиз¹⁵ тилидаги нашрини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Шу ўринда ўзбек олимлари Б.Тўхлиев, Қ.Сидиков, С. Ибодовларнинг «Қутадғу билиг» тўртликларининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги

¹⁵ Ышмаган, Жусуп. Қутадғу билиг. Қозғон Т.Қозғон. – Ышмаган, 1993. – 454 б.

таржималари⁴⁶ни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ниҳоят, асарнинг ҳозирги ўзбек тилидаги тўлиқ бадий нашрларини ҳам таъкидлаш керак. Булар: Ф.Рашидовнинг 2015 йилдаги⁴⁷ ҳамда А.Пардаевнинг 2020 йилдаги⁴⁸ таъдидларидир. Тадқиқотнинг мазкур бўлимида ҳар бир давр таржимачилик тарихига муносабат билдирилган.

«Кутадгу билиг» таржималари тарихини ўрганишдан уларнинг яратилишидаги тадрижийлик тўғрисида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) Бизга маълум тадқиқотларда асарнинг ilk таржимони Х. Вамбери эканлиги таъкидланди. Бу бир жihatдан тўғри. Аммо «Кутадгу билиг» муаллифи Юсуф Хос Ҳожибининг асарда берган маълумотлари бу иш ўша даврлардаёқ бошланганлиги, унинг дастлаб дунёга танита бошлаган киши - асар муаллифининг ўзи эканлигидан далолат беради. Буни китобнинг турли тиллар ва элларда қандай номланганини ҳақда муаллиф келтирган мисоллар тасдиқлаши мумкин. Бундан ташқари, Юсуф Хос Ҳожибининг ўзи ҳам таржима ишлари билан шуғулланганлигига асослар бор. Буни «Кутадгу билиг»да араб тилидаги исломий атамаларининг туркий тилдаги муқобилларини келтирилганлигида кўришимиз мумкин. Мазкур жihat Юсуфнинг Қуръон маъноларини туркий тилда тафсири қилиш ишига тамал тош қўйганлардан бири сифатида эътироф этиш мумкинлигини кўрсатади.

2) İlk туркий обидани дунёга танитиш ва унинг таржималарини яратилишининг дастлабки даври асар номи ва унинг умумий моҳиятини ўзга элларда қандай номланганини таъкидлаш ҳамда «Кутадгу билиг» нусхаларининг жаҳоннинг турли нуқталарига тарқалиши билан вазолатлади. Иккинчи даврда эса асарни асосан илмий мақсадларда ўрганиш ва унинг ёзув сирларини ҳозирги китобхонларга очиб бериш даври сифатида баҳоламоқ керак. Ниҳоят учинчи даврда «Кутадгу билиг»ни чинакам насрий-назвий ва назмий таржималарининг яратилиши ва асарни жаҳон туркшунослари томонидан бeнг эътироф қилинганлигини таъкидлаш лозим.

Мазкур бобнинг иккинчи фаслида «Кутадгу билиг»нинг Германия ва АҚШ тадқиқотчилари таъкидлагани муаммолар ўрганилган. Буни ilk туркий асаримизни тадқиқ қилишда Германиядаги туркшунослар ўзларининг инглиз ва француз ҳамкасбларидан таржима нашрига ўзига хос масъулият, аниқликда ёндашишлари билан ажралиб туриши асосланган. Биргина «Кутадгу билиг»нинг 1870 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида Ҳерман Вамбери томонидан амалга оширилган немис тилидаги нашрига эътибор қаратадиган бўлсак, уни нафақат таржима, балки чинакам филологик ва этнографик изланиш даражасига кўтарилган тадқиқот эканлиги асосланган. Вамбери «Кутадгу билиг»нинг дастлаб Ҳирот-Вена нусхаси аслияти, немис транскрипциясидаги матни ҳамда ҳар бир байтнинг ёнида унинг таржимасини беради. Академик В.Радлов эса асар аслияти (Қоҳира нусхаси) ва унинг

⁴⁶ Ҳожиб, Юсуф Хос. Кутадгу билиг. Тўғриқилар. - Тошкент: Адиқор Назомий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2010. - 126 б.

⁴⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадгу билиг. Тошкент ўзбек тилига ўлгарушчи Ф.Рашидов. - Тошкент: Андиқондор, 2015. - 542 б.

⁴⁸ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадгу билиг. А.Пардаев таъдиди. - Тошкент: Янги асар аксади, 2020. - 560 б.

манжур, кейинчалик лотин-жиринг илоси асосида қўлланган махсус транскрипцияси ҳамда немис тилидаги таржимасини келтирган. В.Радлов таржима матнининг ҳар бир саҳифаси остида мажкур саҳифада учрайдиган тушунилмаган қийин бўлган сўзларни изоҳлаб, уларга махсус шарҳлар берган. Немис олим эълои қилган ишар сўзида қадимги туркча-немисча дугат мавжуд эмас. Германия аъёналаридан бир оз фарк қилувчи мажкур иш, бизнингча, В.Радлов ўз ижодини кўпроқ Россияда олиб берганини ва рус тадқиқот аъёналарининг таъсири бўлганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Демак, Вилхальм Радловнинг қадимги туркий обидага мувожаат қилинадан асосий мақсади туркий тиллар юқсий морфологиясини ўрганиш учун керакли манба тўплани бўлган. АҚШ Чикаго университети профессори Роберт Денкофф «Кутадгу билиг»ни инглизчага ўзгирган таржимонигина эмас, балки у мажкур асар тўғрисида жиддий илмий тадқиқот яратган олим ҳамдир.

Диссертацияда Ўрта аср Шарқ Уйғонинг даврининг туркийзабон ижодкорлари асрларига Фарб шарқшунослари, жумладан, Америка тадқиқотчиларининг биз учун унчалик ҳам қилиб бўлмайдиган бир номлай қарашлари борлиги кўрсатилган. У ҳам бўлса, бутун дунёда шуҳрат қозонган Шарқ мумтоз адиблари ижодига қандайдир «калька» (шуундайлигича ўтказиш, кўчириб ўтказиш) тамғасини босинга уринишдир. Буни ҳатто Алишер Навоийнинг минжур «Хамса»сига ҳам қўллашга ҳаракат қилгани. Не ажабки, бундай касалик Роберт Денкоффда ҳам бор. Унинг мана бу сўзларига эътибор қилайлик: «Форс-ислом аъёналарини «Кутадгу билиг»нинг тил хусусиятларида кўришимиз мумкин. Таржимала шарҳ ва изоҳларга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, XI асрдаги «узун қўл» аниқланган идиоматик маъно XX аср инглиз тилида ана шундай маънони билдирмайди. Асарда ўхшатиш ва рағзалардан хенг фойдаланилган. Масалан, ўлимни – «чавандоз», касаллиқни – «ўлим жарини»; меҳмондўстаниқни – «он ва туз»; қийин-кечакни ва озиқ овқатни – «стомоқ ва едка», ўз тақдирдан хурсанд кишиларни – «қўзи тўқ», аксинча бўлса – «қўзи оч», соғлом ва бахтли одамларни «қизил юз», касалларни – «сария юз», қўнгли оза кишиларни – «очик юз», аксинчаларни – «доши туғуно» ўхшатишлари билан берилди. Буларнинг барчаси форс таъсир аъёналарига тўла мос келади»⁴⁹. Ана шу далилларни мутаржим бошқа томонга бурди. Анақроғи, асарнинг инглизча таржимасига ёзган кириш сўзининг бир юзминин «Форсчадан калка» деб номлаб қўйқолади ва бутун боб давомида «Кутадгу билиг»нинг форс тилидан калкалигига ишора қилади. Мутаржиманинг ушбу худосеви бахталаб бўлиб, аявало, шунинг таъқидлаш керакки, форс тилида айни «Кутадгу билиг»га номи ва сюжет-маъмуни, қаҳрамонлари ўхшатиш асар ёзилмаган. Тўғри, ҳар бир тил дугат бойлигининг ҳос ва ҳолис сабабларга кўра тиллардан-тилларга ўтми қонуният мавжуд. Лекин улар бесабаб бўлмайди. Агар хорижий тилдаги айрим идиоматик иборалар айни ўзбекчага мос келса, бу ўша тилдаги барқарор барикмаларнинг ҳаммаси ҳам шундай бўлиши мумкин, дегани эмас. Бундай ҳодисалар узок муддатли тарихий-маънавий

⁴⁹ Yusuf Khas Hajib, *Wisdom of Royal Glory: A Turko-Islamic Mirror for Princes*, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff - Chicago-London: University of Chicago Press, 1983. - 35 p.

даврий ўз ичига оладиган жараёндир. Бир халқ адабиёти дурдоналари тиллардан тилларга ўтди ва ўрни билан бошқа бир халқ мулкига ҳам айланди. Ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ «Қутадғу билиг»га оид эътиборли тадқиқотлар олиб борган россиялик олим А.А.Валитова ўзининг «К изданию критического текста и перевода «Қутадғу билиг»»²⁰ номли мақоласида асарни араб ва форс тилларидан юзлаган олдвий таржима деб даъво қилувчиларнинг ҳар қандай фикрлари бутунлай асоссиз эканлигини жуда тўғри ташкиллаган эди. Демак, бир-бирига яқин халқларнинг ўзаро муносабатлари, олди-бердиллари тўғрисида гапирганда бўлиб ўтган табиий-ижодий жараёнларни дарров турли хил «таржиман», «кучирмақашлик», «калтак», «плагиатлор»ларга йўйиб қўймаслик керак.

«Қутадғу билиг»ни Ғарб тилларига қайта-қайта таржима қилинишининг яна бир муҳим сабаби - бу асарнинг жаҳон адабиётида ўзига хос жанр ҳисобланадиган «Шоҳлар ойнаси»нинг такомилда муҳим роль ўйнаганидир. Асарнинг немислардаги «Fürstenspiegel», инглизлардаги «Mirror for Princes»нинг ривожланишида ўзига хос ўрни тутганиги масаласи келажакда мустакил тадқиқот сифатида ўрсаниш лозимлигини кўрсатади.

Ушбу бобнинг сўнги, учинчи фаслида *илмий-адабий таржима, филологик таржима, сўз-сўз таржима, изоли таржима, наслий таржима* тунунчаларининг бир-биридан фарқ қилувчи ва муштарак жиҳатлари «Қутадғу билиг» таржималари мисолида ойдиқлаштирилиб, бадвий асарнинг илмий таржимаси муаммоси бўйича қуйидаги хулосага келинган:

бадвий асарнинг илмий мақсадларда ўтирилган таржималари фанининг фақат муайян соҳаси учунгина мўлжалланган бўлади. Бироқ, тажрибалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур таржима сифати даражасига қараб, ундан фойдаланиш мундарижаси янада кенгрок бўлиши мумкин;

бадвий таржимادا ҳам, илмий-адабий таржимادا ҳам интуция ва таҳлил, тадқиқот ва фарз ёзма-ён юради. Бадвий матннинг илмий таржималарида таржимон учун аслигит бир вақтининг ўзида ҳам бадвий адабиёт намунаси, ҳам илмий-тарихий манба сифатида намоён бўлади. Аммо ҳар икки ёндашувнинг заминида матндаги сўз маъноси ва унинг остида ётган воқелик туради. Шунинг учун олим-таржимон олдида нафақат таржима, балки изох, шарҳ, тавсиф, дугат каби тадқиқот ишларини олиб бориш масъулияти ҳам ётади;

«Қутадғу билиг» қадимги туркий обида бўлганлиги боис уни ҳозирги немис ва инглиз тилларига таржима қилиш муаммоси Европа мамлакатлари таржимануонолигида амалга оширилган немис ва инглиз тилларида яратилган қадимги обидаларни уларнинг ҳозирги ҳолатига таржима қилишга оид ишлардан жиддий фарқ қилади. Бу асосан «Қутадғу билиг»нинг қадимги туркий тилида яратилган бадвий асар, қолаверса, унинг ўзига хос туркий колоритини ақс эттирган тарихий манба эканлиги билан белгиланади.

«Таржимادا қадимги туркий обидада ақс этган тарихий даврий кайта яратилиш» деб номланувчи иккинчи бобнинг дастлабки фаслида «Қутадғу билиг»нинг диний-фалсафий хусусиятлари таржимаси тўғрисида фикр

²⁰ Валитова А. К изданию критического текста и перевода «Қутадғу билиг» // КСЭИА. XVII. – М., 1961. – 56-59 с.

Аслият матни таржималарда вақт, масофа, дунёқараш, анъаналар ва ҳар бир тилнинг таржимавий имкониятлари сабабидан турли даражада ўзгаришга учираган. Булар асосан *адакшатириши, конкретлаштириши, транскрипция ва транслитерациялаши* ҳамда *ислоҳоти* каби таржима тамойилларидаги ўзгариш хосликлар натижасида содир бўлган. Натижада ҳар бир таржима наشري у ёки бу даражада аслиятга яқин келган. Лекин, энг муҳими, маъкур таржималар ўзaro порисийлик, узлуксизлик, бирини иккинчиси тадрижий тўлдирishi натижасида мукаммаллашиб бораверган. Бу жиҳатдан Р.Денкоффнинг инглизча наشري ўзидан аввалгиларига нисбатан аслиятга яқинроқ эканлиги билан ажралиб туради. Таржимануослик атамаси билан айтганда, аслият томон адекватлик содир бўлган. Табиқийки бу таърибалар келгуси нашрларда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилади.

«Кутадгу билег»да нафақат *олий* балки *туркий* колорит ҳам ўзига хос тарафа аке этган. **Тўртинчи бобнинг иккинчи фаслида** қадимги туркий хосликни таржиманда аке эттириши тўғрисида фикр юритилади. Аниқлашмигач, асарда 21 хил тематик йўналишдаги туркий сўзларни таржима қилиши муаммолари бор. Тадқиқотда уларни янада муайянлаштириб, асосан: 1) шахс, жой ва амал-мартаба номлари, 2) озик-овқат, ичимлик ва овқатланиш аниқомлари, кийим-кечак ҳамда дорн-дармонга оид сўзлар, 3) касб-хунарга оид сўзларнинг немис ва инглиз тилларида ифодаланиши таҳлил қилинади.

Жаҳон туркушунослигида немис олими В.Радловнинг қадимги туркий асарларни транскрипция қилишда қўллаб чалқашликларга йўл қўйганлиги кескин танқид остига олинганлиги маълум. Бу жиҳат унинг «Кутадгу билег» таржимасида ҳам кўринади. Жумладан, у аслиятдаги *Ила атлағи* (Ила номдори)ни *hila atlağы*, деб инглиз транскрипция қилиши натижасида асардаги ўша даврга хос атоқли от – *Ила номдори* таржиманда *durch Schlaubeit Veräthte (айёрлик билан маъкур бўлган) «хиллакорига айланмади*. Бу хато ўз-ўзидан маъкур байтнинг кейинги бандига ҳам таъсир юзмай қолмаган. Аслиятдаги *Ила номдори* айтган: *туз, конни мейл тугиш, эй киши қонтуғи ўтиги* немисча таржиманда ўз хиллаворлиги билан қўллаб туз ва понга эришган ва бундан бахтли бўлган маъкор кишига айланаб қолган. Бундай қусурларга Рашит Арат 1947 йилда «Кутадгу билег»нинг ҳар уч нусхаси асосида амалга оширган транскрипцияси ва янги туркча наشريда барҳам берди. У яқоридagi байтни қуйидагича тавсифлаган:

2319. *negü tir edügi İla atlıgi*
tüz etmek kimgü ay kisi katlıgi

Ушбу манба асосида асарни инглизчага ўтирган америкалик таржимон Р.Денкофф қуйидагича йўл тутган:

2320. *The Chief of İli Valley has said: If fame and life are your desire, feed bread and salt. (Ила водийсининг бошлиғи шундай дейди: агар сен нам қарошни ва янаш ниътида бўсанг, ном ва туз тутсан).*

Америкалик таржимон аслиятдаги *Ила* номини тўғри талқин қилган бўлса-да, уни *The Chief of İli Valley*, яъни *Ила водийсининг бошлиғи*, деб беради. Бошқача қилиб айтганда, аслият матни таржиманда конкретлаштирилади. Бу америкалик ўқувчига янада қулайлик туғдириши табиқий.

Диссертация мазкур бобда «Қутадғу билиг»даги амал-мартаба ва жой номлари таржималари билан боғлиқ муаммоларга муносабат билдирилар экан, асарда яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарниш, *кишилик* (одамгарчилик) қилиш тўғрисида *Уч Урду хони* тилидан ҳикмат келтирилиши таъкидланади. Мазкур хон номини немис мутаржими В.Радлов *der Fuere der drei Ordu*²⁴ (*Уч Урду подшохи*) тарзида бериб, хон номини сўзма-сўз таржима қилиб қўяди. Бундан ташқари «хон»ни таржимада «подшоҳ»билан алмаштиради. Бу аслиятга мос келмайди. Чунки жой номлари бу муайян ҳудудий, миллий, қолаверса, тарихий хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, тожиклардаги *Панжкентни* ўзбеклар *Бешкент* ёки туркийлардаги *Бетишкент* немислар *Siebenwasser* деб атамаслигини биламиз. Вахотанки, ушбу ном остида қорахонийлар даврадаги шунх бир жой ёки хон номи ётибди. Буни Мисомуд Кошгарий ўзининг «Девони луғотит турк»да қарлуқлар шаҳрига ишора қилган ўринлари бер²⁵. Тақдирлардан кўринадики, қадимги туркий обиддаги миллий-тарихий Улига ҳослиякка эга бўлган шахс, турар-жой ёки давронини ифода қиладиган сўзларни немис ва нитиз тилларига ўтиришда сўзма-сўз таржима доим ҳам ўзини оқламайди. Биномида, бу ўринда тўғри транскрипциялаш билан берганида маълум бир аниқлаштирувчи изохларни ҳам киритиш лозим бўлади.

«Қутадғу билиг»да озиқ-овқат, ичимлик, овқатланиш, уй-рўзгор анжомлари, кийим-кечак ҳамда тўй маросим номлари фаол қўлланилган. Бунга:

Фукаъ (фуқо), мизаб (мизоб), жулабни (гулабни), жулаб (гулоб), шараб (шароб), шира (шарбат) каби ичимлик номлари ҳамда суннат аши (суннат оши), тугурса ўғул (ўғил туғилса бериладиган ош), йул аши (азъ оши), ат болур аш (унвои олганда бериладиган ош) каби тўй-маросимлари;

Айяқ (илиш-оёқ), тэрти (дастурхон), эи (уй-жой), тон - тошак (кийим-кечак ва кўрип-тушак) каби овқатланиш, тўтишук (чилим) каби уй анжомлари ҳамда кийим-кечак номларини киритиш мумкин.

Асарнинг «Ўтгудумиш Ўзгурмошши зиёфатга таклиф қилмоқлик қондасини ўрнатиш» деб номланувчи бобда ўша давр туркий халқлари ичимликлари тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд:

4552. Тиласә фуқая бәр тиласә мизаб
Тиласә жулабни тиласә жулаб

Маъноси:

*Истаса фуқо бер, истаса мизоб,
Истаса гулабни, истаса гулоб.*

В.Радлов таржимаси:

4671. Gieb daher Gerstenbier nach Wunsch oder Misab,
Gieb Honigbier oder Rosenwasser.

*(Истасига қараб Арпа тивоси бер ёки Мизоб,
Асаи тивоси ёки Атиреул суви бер.)*

²⁴ Radloff W., S. 146.

²⁵ Мисомуд Кошгарий. Девону луғотити турк. – Тошкент: Фан, 1960. – 71 б.

В.Радлов шарҳона ичмликларни таржимда немгеча пивоҳўрликка айлантириб юборган. Фукаъ (фуко)ни – Gerstenbier (*Arpa pivossi*)га, жуланбин (гуланбин)ни эса, *Honigbier (Asar pivossi)* деб тушунади. Билмаганларини эса, транскрипция ёки сўзма-сўз таржима қилиб, уларга махсус изох бериб ўтирмайди. Мутаржимга ўзга халқ адабиётини ўз халқига таништирар экан, хорижий тилда яратилган оригинал асарни ва унинг муаллифини ўз юртига олиб келиб, унга ўзи хошлаган нарсасини бериш ва олин ҳуқуқи берилмаган. Бу эса таржимда мутаржимнинг аслиятга нисбатан хохис муносабатда бўлгани шартлиги билан боғлиқ бўлган таржиммон эмаслиги масаласини кун тартибига қўяди. Таржимон аслият матнида ифодаланган воқеъликдан ташқарига чиқishi мумкин эмас. У ўз ўқувчиларини аслиятга мумкин қадар яқинлаштириши, аслият муаллифи иламига олиб кириши лозим. Бошқача айтганда, у фақат таржима юқиши мумкин. Агар бадивий таржимда савъат билан биргаликда филологик таҳлил, интуитив ёнима-ёни юрса, «Қуталгу билиг» каби қадимги бадивий дostonларни хозирги замон тилларига ўтиришда юқоридagi талаблардан ташқари яна илмий (тарихий, этнографик ҳамда фалсафий) таҳлил ҳамда татқиқот ҳам талаб қилинади. Бу жиҳатнинг муҳимлиги, айниқса, асардаги мизлий хошликни қайта яратиш жараёнида янада ортиб бераверади. Асарнинг Р.Арат наширдан инглиз тилига ўтирган америкалик мутаржим Р.Денкофф ана шу қонадаларга бир қадар риоя қилган. Бунда у Р.Арат наширдаги транскрипция қандай бўлса шундайлигича келтиради, уни инглиз тилида махсус шарҳлайди: *fuqa* (a sweet beverage). Яъни *ширин ичимлик* тарзида бериб, унга яна А. Асханнинг «Аббосийлар даврида ижтимоий ҳаёт» номли рисолиси асосида қўйиладигича шарҳ ҳам беради: «*The special drink recommended after meals was called fuqa. It was made from with sugar, honey or treacle, mixed with rosewater and musk and was cooled with ice*» (Яъни овқат тиновул қилингандан сўнг бериладиган махсус ичимликни *фуқо* дейилади. У оқ қанд, асал ёки қиёмни атиргулли сув ҳамда муск билан аралаштириб тайёрланади ва муз билан совутилади). Ундан кейин *mizab* (table water – стол суви), *jūlanbin* (conserve of roses – атиргул суви), *jūlab* (rose-water – атир гулли сув),²⁶ тарзида изоҳланади. Бу ўринда америкалик мутаржимнинг фукога берган шарҳи таҳсинга лойиқ. Бундай маълумотларни ҳатто биздаги қадимги туркий тиллар дугитлардан ҳам топиб бўлмайди.

Маъхур бобда, шунингдек, «Қуталгу билиг» таржималарида тарихий шахслар ҳамда асар қаҳрамонлари номлари татқини масаласи ҳам ўрганилади. Асар қаҳрамонлари исмлари рамзий маъноларни англатиши билан ажралаб туради. Аммо Р.Денкофф таржимасида бу масалага биртомонлама ёндашиш кузатилади. Америкалик таржимон қадимги туркий исмлар англаган маъноларининггина: *Rising Sun* – *қирқин, портоқ ҳўиш*, *Full Moon* – *ой тўлиди*, *тўлиди*, *Ўғўуллиши* – *Intellect (or Wisdom)* – *интеллект, ақл-идрок*; *Ўзгурмини* – *Wide Awake* – *уйғотган, тетик* тарзида бериши маъхул эмаслиги асослаб беради.

²⁶ Yusuf Klaus Hajib, *Wisdom of Royal Glory*... – 92-p

Таниқли бошлар таржимашунос олимлари С.Влакв ва С.Флоринлар исмларни махсус реаллий (хос сўзлар)га киритиб, уларни *транскрипция қилиш керакми ёки таржима қилиш маъқулми?* - деган саволга жавоб излар эканлар, бадий асарлардаги исмларни таржимада *амалий ўзига хослигини* сақлаш учун нима керак бўлса, шунга қилиш лозим деган хулосага келганликлари⁵⁷ ҳам бежиз эмас. Юсуф Хос Ҳожиб қўллаган исмларни фанда *«этиррадийган исмлар»*⁵⁸ деб ҳам аталади. Бироқ бадий адабиётдаги шахс номларини таржима қилишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқадиган бўлсақ, исмию фақат англаган маъносининггина ўғирниш бу аслият моҳиятини тўлақонли акс эттиришга олиб бормаيدди. Чунки шарқона асардаги миллий ўзига хослик, қолаверса, туркий колорит таржимала лат ейдди. Табиийки, «Куталду биланг»даги исмларларда акс этган рамзий, қолаверса, миллий ўзига хослигини сақлаган ҳолда ҳозирги ўзбекчага ўғирниш ҳар ҳолда уларни инглиз тилига таржима қилишга нисбатан мураккаб эмас. Яъни исмининг миллий хослиги (туркийлиги)ни қайта тиклаш масаласи унчалик қийинчилик тўтдирмайди. Аммо шундай бўлса ҳам Қ.Каримов, ундан кейинги ўзбек таржимонлари ҳам исм аслида қандай бўлса, шундайлигини юрил имлосига асосланган ўзбек алифбоси имкониятлари доирасида транскрипция қилишга ҳаракат қиладилар. Аслини олганда ўзбек таржимонлари *Қутулуддин – Чоққан Қул ёки Ойтулуддин – Тулган Ой* тарзида беришга ҳақлари кўпроқ эди. Аммо улар таржима асари ўқувчиси олдида ҳазирги ўзбек исмини эмас, балки қаламги туркий адабиётда акс эттирилган исмию тавдалантиришнинг мақсад қилганлар ва аслиятга содиқ қолганлар. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда ўзбек ва турк таржимонлари тутган йўл мақсадга мувофиқ.

«Куталду биланг» поэтичасини таржимала қайта яратиш» деб аталувчи учинчи бобнинг биринчи фаслида асар персонажларининг ўзига хос хусусиятлари, улар индивидуал хослигини очиб беришда аслият муаллифининг табиат ва жамият ҳодисаларига муносабати ва унинг таржимадаги талқини муаммолари ўрганилган. Профессор Б.Тўхлиевнинг шаҳодат беришича, асардаги табиат тасвирида реалистик лавҳаларнинг кўпчилиги ҳамда бадий тасвир тамойилларида деталантиришнинг ўзига хосликлари билан Юсуф Хос Ҳожиб ўз салифларидан илгариллаб кетган⁵⁹. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Куталду биланг» асарида пейзаж тасвиридан фойдаланар экан, унда қўлланган табиат ҳодисаларини асардаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларига ҳамоханг, бир-бирига мос келадиган қилиб ифодалайди. Жумладан, ҳоқоннинг қилич ўйлаганини, тўғ тортишини табиатдаги шани ирқлашига қўбслаб шундай дейди:

83. Булыт көкредди урды навбат туғы
Ишын Ишнады тартты хақан тығы

Маъноси:

*Булыт күмбурлади, (сўз) навбат довулини чалди,
Ишын ирқлади, (сўз) хоқон тизгини тортди.*

⁵⁷ Влакв С., Флорин С. *Интернационализм в переводчике*. - М.: Международная олимпиада, 1980. - 87-с.

⁵⁸ Султанов А. В. *Имя через века и страны*. - Москва: Наука, 1990. - С. 208. - 52-с.

⁵⁹ Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб «Куталду биланг» илгарин илгарис таржимон. - Тошкент: Янги асар, 2004. - 49-б.

Аммо В.Радловнинг немисча таржимасида ана шундай ишонarli манзара ярига олинмаган:

88. Die Wolke donnerte, er pflanzte seine Wachfabne auf.
Der Blitz leuchtete, er entrollte seine Fuerstenfahne.
(*Бурутлар думбурлади, утининг кўриқлаш байроғини ўрнатди.
Чақмоқ чақди, у утининг шохлик байроғини ёзди.*)

Аслиятдаги биргина *тыя* (*tie*)нинг потўғри транскрипцияланиши натижасида «*туя*» бўлиб қолган ва немисча таржимада *die Fahne* (байроқ)га айланган. Натижада таржимадagi пейзаж тасвирида *яшининг проклаши*, хоҳон *тияга* эмас, балки унинг *байроғининг ёзилишига* ўхшатиб қўйилган. Р.Денкофф бу хатони ҳам тузатган:

86. The cloud thundered, beating the kettledrum; lightning flashed, brandishing the Khagan's sword
(*Бурутлар думбурладилар, ятавери (нагори)лар чалинди.
Хоҳон қилмишига ўйини каби шим проклади.*)

Юсуф Хос Хожиб *йўриқлиқ вафаси конулис ботри* (яқинлик вафосининг уйи бўлмиш кўнгилга назар сол) деб тасвирланади. В.Радлов эса, *Лақинлик вафаси конулиса жақин*, деб янглиш транскрипция қилади. Биргина *вафаси* ни *вафасиз* деб тушуниш натижасида яқинлик вафосининг уйи бўлган кўнгил - *gleichgeltigen Siane* (ақлу-хуши бефарқ кили) деб талкин қилинади. Натижада аслият моҳияти бутунлай ўзгаради. Ўзурмиш кўнгил уйи вафосиз ақлу-хушига айлантиради. Бу эса ўз-ўзидан бошқа чалқашликларни ҳам етаклаб келаверади. Немисча таржимадан фақат Шарқдан Фарбгача бўлган ерларнинг яхлит бир мулк эканлигини билдириб олинади, холос. Охири-охибат «Қутадгу билиг»даги - *масофа қанчалик йироқ бўлса ҳам кўнгиллар яқинлиги муҳимдир*, деган ҳикмат таржима ўқувчисига етказилмаган. Асарга нисбатан В.Радлов қўлаган потўғри транскрипция ва у келтириб чиқарган хатolikлар, нафақат немис тили ўқувчилар, балки бутун дунёда «Қутадгу билиг» матни билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга ноқулайлик туғдирганлигини айтиб ўтиш жонз. Асарнинг ҳозирги туркча, ҳозирги ўзбек ва инглиз тилларидаги нашрлари босилиб чиккандан сўнггина бу муаммага барҳам берилади.

«Қутадгу билиг» персонажлари маънавий-сиёсий олами, ундаги қаҳрамонларнинг дунёқараши бу асар поэтикаси масаласи билан ҳамбаркас боғлиқ. Муаллиф ана шу жиҳатларни бадний ифодалаш учун турли хил тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланган. Таржимада ушбу жиҳатларни тўғри акс эттириш мутаржимдан аслият моҳиятига чуқурроқ кириб боришни талаб қилади. Асар персонажлари маънавий-сиёсий дунёқарашиларнинг айрим жиҳатлари немисча ва инглизча нашрларда хали талаб даражасида акс эттира олинмаган. Таржимада замонавийлаштириш ва батафсиллаштириш тамойилларини қўллаганда кўнрача немис мутаржими, айрим ўрикларда америкалик таржимон ҳам мейёрни сақлай билмаганлар.

Ҳар икки таржимани аслият билан ўзаро қиёслаганда, мазкур жиҳатлар немисча нашрга нисбатан инглизча таржимада аниқроқ, аслият моҳиятига яқинроқ келади.

«Қутадгу билиг»да турли-туман қушлар учиб келиши ва атрофга таралган ёқилан овозларларини тасвирлаб шундай дейилади:

72. Көкис турна көкда үнүн йаькулар
Тизилмиш тэйир-тэй учар йезгүрэр

Майноси:

*Маьрур турна кўкда овоз чиқариб сайрамоқда,
Тизилган тўя карвонидек учмоқда қанат қақмоқда.*

В.Радлов таржимаси:

76. Die grauen Kraniche lassen ihre Stimme an Himmel erschallen,
Fliegen dahin gleich einen aufgereihten Perlenkette.

(Кулранг турналар осмонда овоз чиқариб сайрамоқдалар.

У ерда худди тизилган марварид шодасидек учиб бамоқдалар.)

Аслиятда Юсуф Хос Ҳожиб турналар учинини худди тўя карвонларининг чўкииб ҳаракатланганига қиёслайдн. Немисча таржимода мутаржим буни *инга тизилган марварид шодаварига* ўхшатгани келади. Бу ҳам таржима тилидан топилган ўзинг хос муқобиллик. Аммо аслиятда қорахонийлар замонига хос бўлган тарихий даврдан келиб чиқиб, Шарқ халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган тўя карвонларига насбат беришда ўзинг хос миллий бўёқ ишлатилганлигини ҳам унутмаслик керак эди. Худди ани шу жиҳат немисча таржима ўқувчисига тўғри етказилмай қолган. Шу ўринда яна бир қадимги туркий сўзинг ҳақиқий маъноси билан боғлиқ бир жиҳатига эътибор қаратайлик. «Древнетюркский словарь»да қайд этилишича, «Кутадгу билиг»да қўлланилган *көкис* аслида муайян бир қўшнинг номи экан. Унда жумладан шундай изоҳ берилади: «*Kökis - истребление птиц: kökis turpa kökis ünün jayridat* - көкин и жураван курлякуют в небе»⁶⁰. Аммо унинг хозирги ўзбекча нашрида Қиюм Каримов томонидан *маьрур* сўзи ишлатилиб, турнага сифатлаш вазифасида қўлланилса, немисча таржимода эса В.Радлов *grau* – қўлрақли қўлаб, яна ўша турнага насбат беришган. Фақат инглизча таржимода бу жиҳатни тўғри ифодалашга ҳаракат бор.

Р.Денкофф таржимаси:

72. Kökis and crane cry out in the sky with echoing calls, soaring and fluttering in formation like a train of camels. *(Көкин ва турналар осмонда овоз чиқариб сайрамоқдалар.)*

Шунинг билан бирга таржимон *көкин* сўзига қуйидаги изоҳни ҳам бериб ўтади: **Clauson suggests «the blue-grey crane»**⁶¹. Яъни Клаусоннинг таъкидлашича – *кўк-қуларанг турна* маъносини билдиради. Ушбу сўз ишлатилганиг маъноларининг бир неча талкиллари берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бундай изоҳлар у ҳақдаги турли шубҳаларга ўрин қолдирмайди.

«Кутадгу билиг» тўғрисида чет элларда яратилган тадқиқотларда ҳам Юсуф Хос Ҳожиб шахсияти тўғрисида айрим фикрлар айтилган бўлишига қарамай, унинг юқоридаги бобларда баён қилинган юрак полаларининг таржимодаги талкиллари масаласи ҳам ҳали илмий таҳлилдаи ўтказилмай келинмоқда.

⁶⁰ Древнетюркский словарь. - Ленинград: Наука, 1969. - 313-с.

⁶¹ Clauson Gerard. An Etymological Dictionary of pre-thirteenth-century Turkish. - Oxford, 1972. - 286-р.

Юсуф қалб нодаларининг юкори чўққисига чиққан мана бу мисраларнинг таржимадаги талқинларида ҳам кўринади:

Чадан-тэг тэгэрлар чибун-тэг сорарлар
Көпөк-тэг урерлар қайсы урайы (6367)

К.Каримов таълиди:

*Чабидек чақадилар, чивидек сўрадилар,
Кўннадек қонадилар, қайси бирини урайин.*

В.Радлов таржимаси:

Wie Skorpione stechen sie, wie Fliegen belästigen sie,
Wie Hunde bellen sie, welchen von ihnen soll ich niederschlagen?⁶²

Майноси:

*Чабидек чақадилар, чивидек далаҳит берадилар,
Индек уваллайдилар, уларнинг қай бирини урайин?*

Юсуф Хос Ҳожиб ўз замонасида висонийлик кифасини йўқотган кишиларнинг унга қилган жафоларини тасвирлар экан, улар кўрсатган жабрларни чаён чакнига, чивиннинг қон сўришига, кўннакнинг қонинига ўхшатади. Немисча таржимада чаёнлар чақадилар-у, чивинлар қон сўрмай, фақат *belaestigen*⁶³ *sie* (*уни белоятга қиқадилар*), кўннаклар қонмай, фақат *bellen*⁶⁴, яъни *уваллайдилар*, қолса, Инглисча таржимада бир қадар аслиятга яқинлаштиради: *They sting like scorpions, suck blood like flies, and yelp like dogs – wick should I strike first* (2576.) яъни *улар чаён каби чақадилар, чивин каби қон сўрадилар, ва ит каби қорқлайдилар. Мен қай бири билан қуронайин?*-деб ўтирилади. Аммо Р.Денкофф «итлари» негалир қонмай, фақатгина вовуллаяди.

Юқоридagi мисраларда Юсуф Хос Ҳожиб айтган фикрлар бу бир оддий шовринг ўз замонасига нисбатан айтган шунчаки таллари эмас, балки XI асар қорахонийлар салтанатида улуг хос Ҳожиб лавозимини эгаллаган ва айни пайтда илк туркий бадий дoston яратган бузюк Ўрта аср мутафаккирининг мавжуд тузумга бўлган икдий муносабатиدير.

Ушбу бoбининг учинчи фаслида асардаги бадий тасвир воситаларини немис ва инглиз тилларига ўғирини масаласи таҳлил қилинади. Айтиш керакки, асарнинг немисча ва инглизча таржималарида илк туркий обиданинг муайян бадий хусусиятлари ҳам қайта яратилган.

Қадимги адабий дoston таржимасида радифини кофия билан ўғирини тамойилдан бошқаларига нисбатан бир қадар фаолроқ қўлланилганлиги сезилади. Асарнинг «Ўғдулмин эанга улуг Ҳожибликка қандай киши муносиб бўлиши кераклигини айтади» деб номланувчи бoбидagi байтларда ҳам радиф санъати қўлланилган. Юсуф Хос Ҳожиб бу ўринда мазкур бадий санъатни тўртлик ичнда келган байтда қўллайди:

2449. Ҳажибликда айну бу он нон кэрөк
Йэти көп кулах сак көнул кан кэрөк
2450. Йузи көрки бод тил уқуш өг билиг
Қылынчы буларка тутал таң кэрөк

⁶² Das Kanakbu Bók des Jami Cham Hadschib aus Balasagan... – 544-5.

⁶³ Langenscheidts Universal-Wörterbuch. – Berlin-München: Langenscheidt, 1993. – 228-5.

⁶⁴ Langenscheidts Universal-Wörterbuch... – 229-5.

К.Каримов таълиқи:

*Ҳажибнакка (энг) аввал ушбу ўн нарсга лозим,
Ўттир кўз, соқ ҳулоқ, кенг кўнгил керак.
Юз чаройи, қомати, тили, тили, инди ва билими (туғил билими),
Қилмишлари буларга тўла тенг бўлими керак [403]*

Р.Денкоффда:

To be chamberlain, ten things are required:
An eye sharp, an ear keen, a heart broad,
Beauty, stature, tongue and wit, mind and wisdom,
And character to all these in accord. [120.]

Маъноси:

*Камергер бўлиш учун ўнга нарсга лозим,
Ўттир кўз, соқ ҳулоқ, кенг керак,
Гузаллик, қомат, тил ва зукотлик, идрок ва донолик,
Ва феълн барчасига ҳаммаҳанг бўлиши лозим.*

Аслиятдаги тўртликда қўлланилган *наҳ, кен, тенг* каби қофиялардин кейин қўлланилган *кўз* такрори инглизча таржимлада сақланмаган. Аммо радиф таржимлада қофия билан қайта яратилган. Яъни *наҳ, (нарсга) – required (лозим), кен (кенг) – broad (кенг), тенг (тенг) – accord (ҳаммаҳанг)* билан ўтирилган. Бошқача айтганда, аслиятдаги радифини ифодаловчи сўз (тўтасол) таржимлада фақат қофия билан қайта яратилган. Р.Денкофф аслиятдаги қофияни таржима матнида сақлаб қолинда фақат сўзма-сўз ўтириш тамойилидан воқ келган. У аслиятга ҳаммаҳанг жаранглайишга, унинг вази, оҳангига мос сўзлар топишга интилин. Бир сўз билан айтганда, шонорона маҳорат кўрсата олган. Агарда маъмур тўртликда қўлланилган *тэнг (тенг)* сўзини инглиз тилига сўзма-сўз ўтирилганда – *equal ёки similar* (тенг, мос) билан таржима қилиниши керак эди. Аммо ушбу сўзлар билан на маъно, на қофия, на вазили таъминлаб бўларди. Шунинг учун Р.Денкофф ҳеч бир дугада ушбу сўзга эквивалент бўлмаган – *accord (ҳаммаҳанг)*ни топиб қўлайди. Айнан ана шу сўз барча муаммони ҳал қилган. Демак, «Қутадғу билиг»даги тўртликлар таркибиде қўлланилган радиф санъатини Европа тилларига таржима қилиш тамойилларидан бири бу радифини қофия билан ўтириш бўлиб, бу маснавай таржимасиданги ўзига хос йўллардан ҳисобланади.

Диссертацияда мутаржимларининг асар туркий аслиятдаги радифларин таржима қилишда қуйидаги тамойиллар қўлланганликларини аниқлади:

- а) радифини радиф билан таржима қилиш;
- б) радифини қофия билан ўтириш;
- в) радифини таржимлада насрий баён билан бериш;
- г) антонимик таржимадан фойдаланиш;
- д) радифини тўртлик таржимасида янги ташбеҳлар киритиш.

«Қутадғу билиг»да ўқиниш ва сифатлашлар фазл қўлланилган. Профессор Б. Тухтаевнинг қузатишларича, «Қутадғу билиг»даги баъзий тасвир воситаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири - бир образга турли хил ўқинишларни келтириб изоҳлашдир. Бунда инсон қалди учун тўрт, осмон учун олти, юз ва қуёшга етти, бош ва сочлар учун саккиз, беглар учун тўққиз,

билим ҳамда кўнгил учун ўн, лишкарбонинг учун ўн икки, сўз учун йигирма беш хилдаги ўхшатишлар қўлланилган⁶⁵. Ана шу гўзал тасвир воситаларини немис ва инглиз таржимонлари ўзига хос талкин қилганлар.

293. Ўқушқа туру бу ағирлик эгинг
Ўқушсиз киши бир ағушча йэнинг

Маъноси:

Қадр-қиммат, етуқлик билим туфайлидир,
Ўқув, идроксиз киши бир ҳовуч (нарс) каби енгилдир.

Б.Тўхлиева:

(17-б.) Хурмат кишининг ўқув-идрокидан келади.

Ўқув, идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг.

Р.Денкоффла:

297. Honor and esteem are all for the intelligent,
The ignorant is a mere handful of clay

(Хурмат-эътибор киши заковати туфайли келади,
ақл-идроксиз – бир сирам тупроқ кабидир).

Демак, аслиятдаги ўқув, идроксизни «бир ағушча йэнинг» (бир ҳовучдай енгилга ўхшатилиши Қ.Каримовда «бир ҳовуч (нарс) каби енгил, дейилиб, «нарс» қўшилган. Б.Тўхлиевада эса, «бир ҳовуч кепак» деб янада конкретлаштирилган, Р.Денкоффла эса «бир сирам тупроқ»қа айлантирилган. Таржимда аслиятдаги мазмун-моҳият сақлаб қолинган. Аммо барча таржимонлар бунга ўзларича аниқроқ ва конкретроқ ёндашганлар. Аслиятдаги ўхшатишлар каби тасвир воситаларини конкретлаштириш ҳам таржимдаги самарали тамойиллардан бири эканлигини эътироф қилиш лозим. Бобга хулоса ўринда шунга айтиш керакки, илмий ва илмий-адабий таржимда сўз танлаш масаласи ўзининг долзарблигини йўқотмайди. Чунки аслият бадий матн экан, унга қайта яратилиш учун таржима тилида ҳам муқобил тасвир воситалари топиш зарурати йўқолмайди. Ҳар ким бориққони ўзича тилкин қилади. Вокелик, нарсаларни конкрет, аниқ-тақиқ тушуниш европачиларга хос экан, таржимда ҳам аниқлаштириш бўлиши табиий.

Диссертациянинг сўнгги, **тўртинчи боби «Қадимги туркий асар тилини таржимда ақс эттириш муаммолари»** деб аталади. Ушбу бобда дастлаб асар персонажлари иутқида ҳозирга келиб ифода имкониятлари кенгайган сўзлар таржимаси тадиққ қилинди. XI асрга мансуб бўлган асардаги кўплаб сўзлар бугунга келиб ўз маъносини кенгайтирганлиги, ифодаланши имкониятлари янада кўнайганлигини кузатиш мумкин. Асардаги *киши* сўзи ҳозирда *аёл, хотин, одам* маъноларида ишлатилмоқда⁶⁶. Бу жиҳат «Қутадғу билиг» асари тилини немис ва инглизчага ўғиринида ҳам бир қатор муаммолар келтириб чиқаради. Биз муурожаат қилаётган манбаларда аслият ва унинг таржималари тиллари ўртасидаги фарқ анчагина катта. Бунда тиллараро маданий, ҳудудий ва дивсоний хусусиятлардан бўлган грамматик жонс ҳамда бовка морфологик ва синтактик ҳамда семантик ўзига хосликларининг маъжудлиги таржима

⁶⁵ Ўзмас обидлар. – Тошкент: Фан, 1989. – 302-б.

⁶⁶ Ўзмас обидлар, 298-б.

масалаларига бевосита таъсир кўрсатади. Муаммониюг иккинчи мураккаб томони таржима даражасида бундай ҳолларда тилларнинг соф грамматик қурилиши ўзаро қиёсланибгина қолмай, аслият ва таржимада уларнинг амалиётдаги таъбиқи, нутида, матида ифодаланганига асосий ургу берилади. Биргина «Кутадғу билиг»да фаол ишлатилган сўроқ олмошларининг асир байтларидаги ўрни масаласидаёқ бу борадаги муаммолар яққол кўнга ташланади. Олмошлар соф лисоний восита. Диссертацияда Юсуф Хос Ҳожиб мазкур масалага қандай ёндашганини қуйидаги қўрinishла аниқлаган:

1. Сўроқ олмошларини байт мисралари ички оҳангдорлик ва кофийани сақлаш мақсадида келтирилганлиги;

2. Байт мисралари охирида келиб, ҳар икки мисранинг ўзаро кофийланганини таъминлаш мақсадида қўлланилганлиги;

3. Байтнинг ҳар икки мисраси бошида келиб, уларнинг ўзаро кофийланганига хизмат қилиш мақсадида ишлатилганлиги.

«Кутадғу билиг»да қайу, леку, не, ким каби олмошлар бошқаларига исқбатан анча фаол қўлланилган. Улар муаллиф томонидан муайян исқбат мақсадларни қўлаб ишлатилади. Биргина қайу сўроқ олмоши 45та байт таркибида келганлигининг ўзиёқ, ушбу сўз туркумига муаллифнинг қанчалик жиддий ёндашганини далолат беради. «Кутадғу билиг»даги биргина не сўроқ олмошини ҳозирги ўзбек тилига: *не яғлиг (231-байт), не мағли (445-байт), не (462-байт), қандай (492-байт), шима (495-байт), нимани (501-байт), неку (511-байт), қалай (511-байт), кимлар (512-байт), ша (535-байт), нега (674-байт), қандай қилиб (697-байт), шима учун (733-байт), қанчалик (1108-байт)* каби 14 хил сўроқ олмоши билан берилганлигининг ўзиёқ мазкур муаммониюг қанчалик жиддийлигини кўрсатади.

Асарининг Бутраҳон мадҳига бағишланган бобида шодно хизматида бўлганларни таърифлашга бағишланган байт мавжуд :

94. *Қайусы алиг сунды түтшүк тутар*
Қайу пүфкәрэр кин рахун йыд копир

Қ.Каримов таълиқи:

Байлилари кўл чўтиб, чилим тутиб турмоқда,

Байлилари ким (мушк) пурқамоқда, оламга қнд таралмоқда

Жумладан, «Егити сайёра ва ўн икки буржудеб аталувчи бобида «Қайуқа бу бақса йишармиш қурьр» (Яъни у қайси томонга боқса, яшиаб турган нарса қурьрди) тарзида ифодаланган. Қ.Каримов қадимги туркий тилдаги сўроқ олмошининг турли маъноларини қидириб топиб, улардан мазкур контексте мос келадиганини қўлай билган. Бошқача айтганда аслиятдаги қайси бири? сўроқ олмоши ўрнига таржимада *байлилар* ноаниқлик олмошини қўлши билан муқобиллик таъминланган. Энди бунинг В.Радлов таржимасидаги немисча тилинига эътибор берайлик:

20. *Einige strecken die Hände aus und warten ihm auf,*

Andere legen vor ihm gern der Welt habe nieder.

(Айримлари қўлларини чўзишмоқда ва уни кутинмоқда,

Бошқалари унинг олдида тазлимда ва бутун дуьб тиз чўккан.)

Аслиятдаги байтнинг биринчи мисрасидаги сўроқ олмоши немисча таржимада *einige* (бир қанча, бир мунча, баъзилар) ноҳик олмоши билан, иккинчи мисрадаги эса, *Andere* (бошиқалари) маъносини ифодаловчи ноҳик олмоши билан берилган. Немисча таржимادا аслиятдаги миллий ўзига ҳосилани ифодаловчи бир неча сўзларни ўғирисида айрим хатоларга йўл қўйилган. Аслиятдаги *нутнаўк нутар* (чилиш нутиб турмоқда)ни В.Радлов кутмиш тарзида инглиз тилига ва уни кутмиш феъл билан таржима қилиб қўйган. Натижада қорахонийлар салтанати саройида подшога тугиладиган туркий чилиш таржима матнига ўтмай қолган. Иккинчи мисрадаги *пуфқараркин роқун* (кин (мушиқ) турмоқда) таржимасида ҳам худди шундай ҳолат мавжуд. Инглизча таржимада бу камчиликларни бир қадар тузатишга ҳаракат қилинган:

95. ... *Some stretching forth their hands with incense or sprinkling musk and filling the world with fragrance...*

(Айримлар қўлларини чўзиб *ладан* (қўш таратувчи смол) ёки мушиқ *қўшини* таратмоқдалар ҳамда бутун олам хушбўй ҳидга тўлдир.)

Аслиятдаги байтнинг ҳар бир мисраси сўроқ олмоши билан бошланади. Аммо инглизчада фақат битта *some* (айрим, баъзи, бир оз, бир неча)⁶⁷ ноҳик олмоши билан ифодаланган ҳолат. Лутатларда *incense* сўзини *ладан*⁶⁸, яъни ўсимликлардан олинган, диний маросимларда тугиладиган хушбўй смол⁶⁹ деб тафсилланади. Баъзинича, аслиятда асосан *кин* (мушиқ) ҳақида маълумот бор. *Ладан* тўғрисида эса, ҳеч нарса дейилмайдиган. Бундан ташқари Р.Денкофф таржимасида подшога хизматкорлар чилиш тутмасаларда, хушбўй ҳид таратувчи воситалардан фойдаланишда. Аммо шунга ҳармай(,) аслиятнинг тўлақонли таржимаси яратилмаган.

Тадқиқотда Ғарб таржимонларининг қадимги туркий асар тилини ўз тилларига ўғирисида ва «Кутадгу билиг»даги ҳозирга келиб маъноси кенгайган сўзларни қайта яратишда асосан қуйидаги икки йўлдан борганликлари аниқланган:

1. Бевосита қадимги туркий тилининг ўзидан таржима қилиш.

2. Асарнинг аслияти билан бир қаторда унинг ҳозирги ўзбек ва турк тилларидаги транскрипцияларидан фойдаланиш.

В.Радлов кўпроқ биринчи йўлдан борган ва таржимادا қўллаб хатоларга йўл қўйган. Р.Денкофф эса иккинчи йўлни танлаб, аввалги таржималардаги хато-камчиликларни тузатишга эришган ва аслиятга янароқ борган.

Тўртинчи бобда асар қаҳрамонлари иуткида қўлланилган образли бирикмалар таржимаси масаласи ҳам ўрганилади. «Кутадгу билиг»да бошқа калималарга нисбатан анчагина фаол қўлланилган *кочул(қўлму)* сўзи иштирокида ясалган бирикмалар анчагина фаоллиги аниқланади. «Кутадгу билиг»нинг ҳозирги ўзбекча таъбири билан қийсан ўрганишимиз натижасида мазкур сўз иштирокида ясалган бирикмаларни мавзуй ва статистик таҳлил қилганимизда улардан ҳозирги замон ўзбек тилига айнан мос келадиган бирикмалар – 16 та, тарқоқбадаги сўзлар бугунга келиб эскирган (архаикланган) ёки бутунлай маъноси ўзгариб кетган бирикмалар – 28 та, тарқоқбадаги

⁶⁷ Англо-русский словарь. Составитель В.К.Мещеряков. Изд. 14-ое. – Москва: Западная пресса, 1979. – 912-с.

⁶⁸ Ушк. дугуз. — 558-б.

⁶⁹ Ушк. дугуз. — 504-б.

сўзларнинг hozirgi замон туркий тилларида акс маъно илгизувчи қадимги туркий бирикмалар – 10 та, жами – 54 та эканлиги аниқланади. Немисча таржимала В.Радлов аслиятдаги *хоҳли бай* (хўнгли бой)ни *sein Sein ist reich* (унинг хис-туйғуси бой) тарзда беради. Бундай тамойил бутун немисча таржима матни давомида кузатилади.

Асардаги мақол ва афоризмлар таржимаси тахтилади ҳам ҳар икки таржимала ўзига хошлиқлар кўзга ташланади.

463. Билим қадрини ҳам билилтиг билир

Гуҳар қадрини ҳам гуҳар-оқ билир

Маъноси:

Билилтиг қадрини ҳам билилти биллади,

Гуҳар қадрини ҳам гуҳар(шунос)гина биллади.

В.Радлов таржимаси:

440. Des Wissens Werth kennt nur der Wissende,

Den Wert des Edelsteins kann nur der Wechsel abschätzen.

(Билим қимматини фақат билилти биллади,

Гуҳар(шунос) қадрини фақат уни алмаштурувчи аниқлай олади.

В.Радлов аслиятдаги гуҳар-оқ - *гуҳар(шунос)*ни немис тилида *der Wechsel* (алмаштурувчи), деб беради. Бу сўз аслида пул алмаштурувчига инсбатан ишлатилиди⁷⁰. Бизнингча, hozirgi немис тилида фаол қўлланиладигини ва аслиятта муқобил бўладигини *der Juwelier* (заргар) ёки *der Goldschmied* (олтунга деб берувчи)⁷¹ вариантларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Инглизча таржимала немисча наирдаги қимчиликлар тузатилаган ва ўзига хос тамойил қўлланган:

471. The price of wisdom

Is known to the wise,

The jewel of wisdom

Only fools despise

(Билилтиг баҳосини

Билилти биллади,

Билилтиг хатини эсантин

Фақат ақмоқ инкор қилади)

Асар маснавийсидаги байтни Р.Девкофф инглиз тилига тўртлик билан ўтгарган. Аслиятдаги «Гуҳар қадрини гуҳаршунос биллади» қимматига таржима тилидан муқобил бўлган «the Jewel of wisdom only fools despise»*(билилтиг қимматини фақат ақмоқ инкор қилади)* вариант билан алмаштирилиб, ўзига хос интоник муқобил таржима яратилган. *Wise* (доно) ҳамда *despise* (рад этмоқ, ёмон кўрмоқ) сўзлари эса, тўртликда шайри қофияни тилминлашти қизмат қилган. Таржимала ҳам мизмуни, ҳам оҳангдорлик сақланган. Энг муҳими таржимала аслиятдаги «*лар қадрини заргар биллади*», деб айтиладиган хикмат қийти жаранглаган.

«Қутадғу билиг»даги hozirgi замон ўзбек тилига айнан мос келадиган бирикмаларнинг немисча ва инглизча таржималарини аслият билан қийслаш

⁷⁰ Deutsch-Russisches Wörterbuch, - 907-8.

⁷¹ Langenscheidts Großwörterbuch, - 416 und 522-8.

шунинг қўрсатишича, уларни немис ва инглиз тилларига довм ҳам сўзма-сўз таржима қилиб бўлмас экан. Бундай ҳолларда муқобил вариантлардан фойдаланиш йўллариини қидиривчи ёки ростмана сўзлар билан изоҳланса тўғри бўлади. Буни қуйидаги жадвалда берилган киёслардан ҳам бизни мумкин:

«Қутадғу биланг»да	Хозирги ўзбекча табдилда (К.Каримов)	Немисча таржимада (В.Радлов)	Инглизча таржимада (Р.Демкофф)
Кўнли бай (400)	кўнгли бай	Sein Sinn ist reich (ушунг ҳас-туйғуси бай)	Rich heart (бай юрак)
Кўнли очилб (587)	кўнгли очилб	Sein Sinn erheiterte sich – ушунг ҳас-туйғуси чог бўлди (572.S.57)	With a cheerful heart – юраги ҳузурманга тўлаб (Б.59, 600-байт)
Кўнли бимасми (726)	Кўнгли бермасми	Binde nicht dem Herz – юрагининг боғлама (Б.69, 712-байт)	Bind not your heart – юрагининг боғлама (Б.63, 741-байт)
Кўнли олу (1827)	кўнгли улук	Einen todesen Sinn – улук ҳас-туйғу (Б.169, 1836-байт)	Heart is dead – юрак ўлади (Б. 101, 1860-байт)
Кўнли орзу қилс (1858)	кўнгли орзу қилса	Der Genuss des Sinnes – ҳас-туйғу ихтиёси (Б.172, 1867-байт)	Heart desires – юрак орзуни (Б.102, 1893-байт)
Кўнли берур (1899)	кўнгли берали	Den Sinn verleihit – ҳас-туйғу ҳада этади (Б. 175, 1908-байт)	Gives heart – юрак берали (Б.103, 1935-байт)
Кўнли қорқса (1952)	кўнгли қўрқса	Der Sinn ist gottesfuerchtig. (ҳас-туйғу худодан қўрқувчи бўлади) (179-бет, 1961-байт)	With a fearful heart – қўрқалган юрак (P.105)
Кўнли тоқ (1930,2846)	кўнгли тўқ	Von vortrefflichem Sinne – хало даровида (файзулмол) (S.178)	With full heart (юраги тўла) (P.104)
Кўнли болмас (1957)	кўнгли, дил бўлмас	Ohne geistige Anlage – аклий қобилиятсиз (Б.180)	Without the heart – юрак (қабил)сиз (Б.105)
Хўннат кўнли (1977)	хўннат кўнгли	Treuloser Sinn – хўннаткор ҳас-туйғу (Б.181)	Treacherous heart – хўннаткор юрак (Б.106)
Билиг бирг кўнли. Яғрулмаш (2208)	билиг билан кўнгли ёрмаш	Mit Wissen erleuchtet sein Sinn – билиг билан ҳас-туйғусини ёрмаш (Б.188)	Heart were filled with Wisdom's light- юраги билиг нури билан тўлдирилган (Б.113)

Тўртинчи бобнинг охириги фасли «Мақол ва афоризмлар таржимасида аслиятдаги туркий ўзига ҳосликнинг берилиши» деб номланади. Ҳар бир халқнинг мақол ва афоризмларида уларнинг ўзига ҳос бўлган миллий хусусиятлари акс этади. Масалан, «*ошиги ҳалол бўлса, кўчада ич ёки «шиш тўғри бўлган ошиги минбарда ер»* каби мақоллар таржибида ўзбек миллий таомларидан *ош* (*палов*) қўлланилган. Аммо бунинг Европа тилларига айнан ўтирилмайдиган бўлса, таржима ўқувчиси учун тушувиндорлик келиб чиқади. Агар инглизча *pudding, pie, omelet* таомларини ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилингудай бўлса ҳам худди шундай ҳолат юзага келиши мумкин.

«Қутадғу биланг»нинг «Ўғдулмаш элиг хизматиға юрившин айтади» деб номланувчи бобида «қари билганини пари билмас» деган халқ мақоли асосда қуйидаги байт мавжуд:

1611. Неку тэр эшиг бу авычга сөзи
Авычга сөзин тут унычма кози

Мазноси:

*Ушбу қария сўзини эшит, нима дейди,
Қария сўзига аман қил, улитми қўзичоқ.*

В.Радлов таржимаси:

1617. Höre, wie da spricht des Alten Woet,
Richte dich nach des Alten Worten, vergiss es nicht, mein Liebe!
*(Қария сўзига қўлоқ сал ва унда аман қил,
Уни эсдан чиқарма, эй қадрдоним!)*

Бунда туркий халқларда қария донолар ёшларга нисбатан эркалаб айтадиган «қўзичоғим!» мурожатини таржимон немис тилига «mein Liebe! (эй қадрдоним!)» тарзда ўнгирган. Аслиятда сөзи ва қози сўзлари байтдаги кофияни таъминлаш билан биргаликда асардаги ҳақиқатнинг оҳангдор чизиқли муҳим рол ўйнаган. Инглизчи таржимода Р.Денкофф аслият объектини сақлашни маъқул кўради: *heed the words of the ancient greybeard, and do not forget them, my lamb!* – Яъни қўлашга соҳабни қария сўзларини эсдан чиқарма ва унда аман қил, менни қўзичоғим! тарзда таржима қилади. Бу унчалик тўғри эмас, чунки инглизларда *mein Liebe!* деган мурожат шакли бундай ҳолларда қўлланилмайди. Уларда *Lamb* (қўзичоқ) – содда, тажрибасиз каби кўча маънолардагина ишлатилади. Ҳамонки мутаржим аслиятдаги туркий мурожатни ифодилловчи сўзни айнан сиклаб қолган экан, унда айнан туркий халқларда ана шундай рамз қўлланилишини махсус изох билан бериб ўтини лозим эди.

Достоннинг «Насон қадри билми билан белгиланади» деб аталувчи бобда шундай байт бор:

159. Кишиг тил агъэрлар булур кут киши
Кишиг тил ужулар Варьэр эр боши

Мазноси:

*Кишини тил эъозлашди, киши (у туфайли) бахтга эришди,
Кишини тил қадрети қилди, эр бошини ерди.*

Бу қуйидаги ўзбек халқ мақолларига ҳамонанг: «Севдирган ҳам тил, бедирган ҳам тил», «Тил бор бўл келтиради, тил бор бало келтиради», «Шакир ҳам тилди, заҳр ҳам тилди», «Оёқ югуриги нилга, тил югуриги бошга». Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг юқоридаги байтида қуйида келтирилган туркий халқлар мақолларидан маҳорат билан фойдаланиб, ўзига хос шалов берган, уларни маҳорат билан маснавийга сола билган. Энди бунинг В.Радлов таржимасига эътибор қаратайлик:

25. Dem Menschen gibt die Zunge Ehre, (in ihr) findet er Glück,
Ihn erniedrigt die Zunge, (durch sie) geht er unter.
*(Тил инсонга обрў келтиради, у билан бахтга эришди,
Тил уни ер билан кссон қилади, у билан нэ туфан кетади.)*

В.Радлов бу ўринда аслиятда ишлатилган ҳақиқат таркибидagi барьэр эр боши (эр бошини ерди) образли бирикмасани «(durch sie) geht er unter» (Тил уни ер билан кссон қилади), деб қўжқолини билан аслиятдаги туркий мақол образлиги, таъсирчанлигини пасайтириб юборган. Ваҳоланки, буни немис

тилиздаги *den Kopf verlieren* (*бошидан ажрмоқди*) ибораси билан бериш мумкин эди. Германиялик таржимон Юз қўйган хатони америкалик туркишунос Р.Денкофф ўз ўтирмасида тузатган:

163. The tongue brings man esteem, so that funds fortune and it is the tongue that brings a man dishonor so that he loses his head.

(Ўзи тилига ҳурмат келтириб, уни бахт-саодатга етакловчи ҳам тил, унга бахтсизлик келтириб, бошини оловчи ҳам тилдир).

Р.Денкофф бу ўринда инглиз тилида фаол қўллашладиган *«to lose head»* (*бошини йўқотмоқ*) бирикмасини аслиятга муқобил равишда ўривли қўлай билган. Демак, бундай ҳолларда сўзма-сўз таржима ўривли эмас.

Таржимашунос А.В.Фёдоровнинг фразеологияк бирикмалар таржимасига нисбатан айтган усулларини⁷² «Қутадғу билег» таржимасига нисбатан айнан қўллаб бўлмайди. Бунда таржиманинг мақсад ва вазифаларига қараб тегишли усуллар қўллаш тавсия этилади. Асардаги мақол ва афоризмларни немис ва инглиз тилларидаги таржималарини аслият билан қиёслаганда таржимонлар қўллаган қуйидаги тамойиллар мавжудлиги аниқланди:

1. Таржимада аслиятдаги мақол ёки афоризм таркибининг фақат бир қисминингина бериш.

2. Мақол ва афоризмларни сўзма-сўз таржима қилиш билан бирга уларга махсус шарҳ бериш.

3. Мақол ва афоризмларни қайта яратинида муқобил вариантлардан фойдаланиш.

4. Таржимада аслиятдаги мақол ва афоризмлар объектини сақлаш ёки тушириб қолдириш.

ХУЛОСА

1. Икковийлик ҳар бир асар таржимасида ўзига хос томондан намоён бўлади ва уни ўрганиш фанга янги хулосаларни тақдим этади. «Қутадғу билег»нинг В.Радлов ва Р.Денкофф таржималари ҳам бу бордаги янги ҳодисадир. Мазкур асарни ҳозирги немис ва инглиз тилларига ўгиришда аслиятнинг қомусий манба оқилолигини диққат марказга олиб чиқишлик зарурияти донмо сақланиб қолади. Бунда асар таржимасига аслиятнинг адабий-лисоний ва фалсафий-тарихий асосларини ўзаро муҳассамлаштирган ҳолда ёндашишга унинг тўлақонли чиқишига асосий омил бўлиши мумкин. Таржима матнининг қандай бўлишини аслият матнига мутаржимнинг қандай мақсадлар билан мувожаат қилганини белгилайди.

2. Асарнинг немисча ва инглизча таржималарида махсус изох, шарҳ, таъсиф ва дугталарнинг берилиши таржимовлар «Қутадғу билег» асарига XI аср Марказий Осиё малайяти ва тарихини, туркий ўзига хослигини ўзда акс эттирган тарихий манба сифатида ёндашишларини билдиради. Айни пайтда арузнинг мутақориб баҳрида битилган мазкур асардаги сўз санъатига, баъдий тасвир воситаларига таржима тилдан муқобилликлар топа билмига интиланликлари уларнинг ушбу обидага туркий халқлар адабиётининг илк юксак намунаси деб қараганликларини ҳам кўрсатади.

⁷² Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва: Просвещение, 1983. – 290 с.

3. Германия ва АКШда туркишунослик илмий марказларининг шаклланиши ва таркибидеда, хорижда қадимги туркий адабиёт тўғрисида қўллаб-таъқиқотлар яратилишида «Кутадгу билиг»нинг аслиятидан ҳам кўра унинг таржималари филолог роль уйнаган. Бу эса бадий асар аслияти билан унинг таржимаси бир-биридан фарқ қиладиган вазифаларни бажариши мумкинлигига асос беради. Мазкур муаммо ўзбек таркиманшунослигида таржиманинг аслиятдан ўзгача вазифани бажариши хусусиятлари мавзусини тадқиқ қилиш муҳимлигини кўрсатади.

4. «Кутадгу билиг» аслияти матни унинг немисча ва инглизча таржималарида турлича ўзгаришларга учраган. Ҳар бир таржимоннинг тайёргарлик даражаси, иқом тил, маданият ва мавқуд аъзааналар ўртасидаги тафовусларнинг китталанишига қараб муайян услубий силжишлар келиб чиққан. Қадимги туркий тилда яратилган асар поэтикисини Европа тиллирига ўғиринида аслият бадийяти, унда акс этган шарқона тасвир воситаларини кўпинча аниқлаштириб, конкретлаштириб ёки умумлаштириб берилишига таржима тилининг аслиятни қабул қилиш имкониятлари ва таржима ўқувчисининг талаб-эҳтиёжларига боғлиқ бўлган табиий жараёни сифатида қараи олам.

5. Германиялик таржимонлар бошлаб берган ишни Туркия олимлари, ўзбеклар, руслар ва оқсан ортидаги америкаликлар давом эттирдилар. Ҳар бир давр, ҳар бир халқ илк туркий обидани ўзгача қабул қилиб, ишардан ишарга, таржимадан таржимага тасомиллаштириб борди ва аслиятга яқинлаштиришига уринди. Асарнинг дастлабки таржималарида йўл қўйилган хато-камчиликлар кейинги уринишларда имкон қадар тузатилиди. «Кутадгу билиг» таржимасида ҳам ўзига хос *poeticizing* масъули шаклланди. В.Радлов қаламига мансуб немисча таржимадан кўзланган мақсад асосан туркишунослик фани учун лисоний материаллар тўплаш бўлганлиги боис, мутаржим аслият матнидан ташқарига чиқа олмаганлиги сабабидан ҳам таржима жараёнида қўллаб сохта муқобиллар домига тушиберган. Асарнинг ҳар учала нусхасини ўзаро қиёлаган қолди транскрипция матнини яратган туркиялик олими Р.Арат амалга оширган аслият асосида ишлаган АКШ олими Р.Денкофф ўзининг америка инглиз тилисидаги таржимасида амалги хато-камчиликларни бир қадар тузатишига эришган.

